

ISSN 2181-9521

№ 4-son, 2019



ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL



СУДЬЯЛАР ОЛИЙ МАКТА ИККИ ҲАФТАЛИК ЎҚУВ

2019 йил 15-27 апрель



БИДА БЎЛИБ ЎТГАН ИЛК КУРСИДАН ФОТОЛАВХА



«ODILLIK MEZONI»
илмий-амалий,
хуқуқий журнал

Муассис: Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши хузуридаги
Судьялар олий мактаби

Хамкорлар

Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши,
Ўзбекистон Судьялар ассоциацияси

ТАҲРИР КЕНГАШИ

Кенгаш раиси

Убайдулла МИНГБОЕВ

Кенгаш аъзолари

Козимжон КАМИЛОВ

Дилшод АРИПОВ

Комил СИНДОРОВ

Ахтам ТУРСУНОВ

Худоёр МАМАТОВ

Илҳом НАСРИЕВ

Бош муҳаррир

Арслон ЭШМУРОДОВ

Навбатчи муҳаррир

Набижон ЖАЛОЛОВ

Саҳифаловчи дизайнер

Шокирjon АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий
аттестация комиссияси Раёсатининг
2019 йил 31 январдаги 261/8 сон қарори
билин юридик фанлар бўйича диссертациялар
асосий илмий натижаларини чоп
этиш тавсия этилган илмий нашрлар
рўйхатига киритилган.

Манзил: 100097, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-йй
Электрон манзил:
odillikmezoni2019@mail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигидан 2019 йил
1 февралда 0972-ракам билан
кайта рўйхатдан ўтган.
Обуна индекси: 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.
Журналда эълон қилинган материал
лардан фойдаланилганда, манба кайд
этилиши керак.

Босишига 17.05.2019 да рухсат берилди.
Бичими 60x84 1/8, 8 босма табоқ
Буюртма № 12
Адади 2000

«Aldin-group» МЧЖ босмахонасида
чоп этилди.
Босмахона манзили: 100027, Тошкент
шахри, Шайхонтохур тумани,
Олмазор кўчаси, 1-йй

МУНДАРИЖА

Масъулият мезонлари

6-бет



**Адолат – ҳалоллик,
инсонпарварлик,
ор-номус демакдир**

Кун мавзуси

11-бет

**Судьялар олий
мактабида илк ўқув
курси бўлиб ўтди**



Менинг фикрим

16-бет

**Юридик шахсни
мажбурий тартибда
тугатишнинг айrim
муаммолари**



Хуқуқий саводхонлик

20-бет

**Суднинг
қароридан
розиман (ми?)**

Мутахассис муроҳзаси

24-бет

**Суд органларининг
хуқуқбузарликлар
профилактикаси
фаолиятидаги роли ва
аҳамияти**



Тадқиқот **26-бет**

**Иш ҳақини норасмий
равишда тұлаш:
конун, амалиёт,
муаммо ва ечим**

Ёш судья билан сұхбат **32-бет**

**“У виждонли ва
пок бўлса,
жамиятда ҳақиқат
қарор топади”**

Мухомма учун мавзу **36-бет**

**Хар бир бузилган
оила жамиятда дарз
хосил қиласи**

Ибрат **39-бет**

**Хорун Ар-Рашид
ва Баҳлул**

Мозайдан сабоқлар **40-бет**

**“Темур
түзуклари”да акс
этган бошқарув
мезонлари**

Хотира муқаддас **43-бет**

**Ёди ҳам кўнгилни
ёруғ қиласи**

Мнение эксперта **44-бет**

**Роль института судебного
контроля в обеспечении
законности деятельности
органов дознания и
предварительного следствия**

Важная тема **48-бет**

**Антикоррупционная
политика Республики
Узбекистан:
нынешнее состояние и
перспективы
совершенствования**

Мировая практика **54-бет**

**Особенности обучения
кандидатов на должности
судей и повышения
квалификации
судей в некоторых
зарубежных странах**

Процесс **55-бет**

**О деятельности
Высшей школы
судей**

Суд очерки **59-бет**

АДОЛАТ – ҲАЛОЛЛИК, ИНСОНПАРВАРЛИК, ОР-НОМУС ДЕМАКДИР

**Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раиси,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист
Убайдулла МИНГБОЕВ билан сұхбат**



Савол:

Убайдулла Қурбонович, Сиз аввало катта ҳаётий, шунингдек, суд тизими соҳасида 50 йилдан ортиқ иш тажрибасига эга бўлган инсон сифатида дастлаб АДОЛАТ тушунчаси ҳақида фикрларингизни баён қиласангиз.

Жавоб: Адолат шунчаки айтиладиган оддий сўз эмас. Бу жуда катта маънога эга бўлган улуғ тушунча. Жасорат, сабр-тоқат ва виждон амри, одиллик тушунчаларига ҳалқимиз қадимдан ҳаётнинг бош маъноси сифатида қараб, тирикликнинг таянч нуқтаси деб билган. Боболаримиз адолат тушунчасини ҳалоллик, инсонпарварлик, уят, ор-номус тушунчалари билан чамбарчас ҳолда англаган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг деярли барча маърузаларида энг кўп такрорланадиган сўз ҳам айнан мана шу АДОЛАТ сўзи, шу улуғ ва умрбоқий тушунчадир.

Давлатимиз раҳбари фаолиятини дастлабки давридаёқ: “Мен бир фикрни такрорлашдан чарчамайман: ҳалқимиз ҳамма нарсадан устун қўядиган адолатни ҳаётимизда том маънода қарор топтириш энг асосий вазифамизга айланиши шарт”, дея алоҳида таъкидлаган эдилар.

Муҳтарам Президентимиз ҳали у киши Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ла-возимида фаолият юритаётгандаридан, яъни 2016 йил 2 марта “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” қарор қабул қилинган эди. Унда Давлат хизматчиларининг хулқ-атвори асосий принципларида ҳам қонун устуворлиги, хизмат бурчига фидойилик, жамият манфаатларига содиқлик, ҳалоллик ва холисликда намоён бўладиган омил бу – адолатлилик деб кўрсатилганлиги ҳам бежиз бўлмаган.

Конституциямиз қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаларида яна бир бор Адолат ҳақида тўхталиб, “буюқ соҳибқирон Амир Темур бобомиз Оқсарой пештоқига “Адолат – давлатнинг асоси ва ҳукмдорлар шиоридир”, деган ҳикматли сўзларни ёздиргани бежиз эмас” лигини, ушбу улуғвор foя инсон қадр-қимматини олий даражага кўтариш борасидаги амалий ҳаракатларимиз пойдеворига айланган” лигини айтиб ўтдилар.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон тараққиёти янги босқичининг бош foяси Адолатни амалда қарор топтириш бўлди. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, уларнинг мансабдор шахсларига ўз вазифаларини бажариши чоғида фақат адолатли бўлиш вазифаси юклатилди.



Азал-азалдан кўплаб беназир алломаларни улгайтирган қадим Шарқ заминида адолат тушунчаси ҳамиша улууглаб келинган. Шу боис машҳур ватандошларимизнинг бебаҳо асарларида адолат тараннум этилади. Шу тариқа буюк боболаримиз умуминсониятни ҳам адолат қилишга чорлаган ва жаҳон ҳуқуқий маданияти тараққиётига бекиёс хисса қўшган. Буни бугунги кунда ривожланган демократик ҳуқуқий давлатларнинг тадқиқотчилари ҳам эътироф этишмоқда.

Машҳур фикрхунос олимларимиз Имом ат-Термизий, Бурҳониддин Марғиноний, Абу Лайс Самарқандий, Маҳмуд аз-Замаҳшарий, Алишер Навоий ва бошқа кўплаб ажоддларимизнинг адолат хусусидаги ҳуқуқий қарашлари асосий манба сифатида тан олинади.

Айтиш керакки, улуғ алломаларимиз маънавият ва маърифатни тарғиб этган. Албатта, улар маънавиятли, маърифатли инсон адолатли бўлишига ишонган.

Шу ўринда Давлатимиз раҳбарининг кўйидаги фикрларини келтириб ўтиш жоиз: “Адолат ва маънавият – ўзаро чамбарчас боғлиқ тушунчалардир. Маънавият бўлмаган жойда хеч қачон адолат бўлмайди.”

Савол: Гап шундаки, Давлатимиз раҳбари адолатни қарор топтириш ҳақида гапиргандарида, албатта, унга қодир бўлган одил судлов тизимини шакллантириш масаласига жиддий эътибор қаратади.

Шу боис кейинги икки ярим йил ичida суд-ҳуқуқ соҳасини ривожлантириш, одил судлов тизимини янада такомиллаштириш Давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Мана шу жиддий ислоҳотлар натижаси ҳақида айтиб ўтсангиз.

Жавоб: Мен ҳамкаслар билан ўтказиладиган учрашувларда, мулоқотларда ёки турли йиғилишларда сўнгги икки ярим йил ичida суд ҳокимияти тизимида том маънода улкан ислоҳотлар ўтказилганлигини, суд тизими тарихида янги бир давр бошланганлигини, бунинг натижасида жуда катта имкониятлар яратилганлигини, энг муҳими, бунга судьялар ва тизим ходимлари муносиб жавоб беришмиз лозимлигини гапириб ўтишдан чарчамайман. Тасаввур қилинг, суд ҳокимиятиянинг жамиятдаги нуфузини ошириш, ходимларга муносиб турмуш шароитини яратиш бўйича қанчадан-қанча амалий ишлар қилинди. Нима учун?! Юқорида айтиб ўтганимиздек, давлат ва жамият хаётида адолатни қарор топтириш учун.

Демак, суд ҳокимиияти адолатни қарор топтиришда энг муҳим тузилма ҳисобланганлиги сабабли шундай кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Қисқа муддатда замонавий концепцияга асосланган янги ягона суд тизими яратилди.

Одил судловга эришишнинг энг муҳим омилларидан бири судьялар корпусини ҳар томонлама муносиб, етарлича билим ва тажрибага эга, мустақил қарор қабул қилиш салоҳияти бор бўлган, шу билан бирга, юқсак маънавиятли судьялар билан шакллантириш ҳисобланади.

Ўзбекистонда биринчи марта суд ҳокимиияти мустақиллигининг конституциявий принципига риоя этилишини таъминлашга кўмаклашадиган, суднинг чинакам мустақиллигига эришиш, судлар фаолияти самарадорлиги ва нуфузини ошириш, судлар тузилмасини ҳамда судьялик лавозимларига номзодларни танлаш ва тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида судьялар ҳамжамиятиянинг органи сифатида

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташкил этилди.

Натижада, судьяларни танлаш ва тайинлаш учун шаффоф, адолатли ва мустақил тартиб ўрнатилди. Бугунги кунда Кенгаш томонидан судьяларни танлаш ва тайинлаш очик-ошкора, адолатли тарзда амалга оширилмоқда.

2018 йил 28 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз янада ривожланиши учун концептуал аҳамиятга эга бўлган Олий Мажлисга Мурожаатномасида “туман, шаҳар ва вилоят суди судьяларини танлаш ва тайинлаш вазифасини Судьялар олий кенгаши тўлиқ ўз зиммасига олиши мақсадга мувофиқдир”, дея алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Бугунги кунда Судьялар олий кенгаши томонидан судьялик лавозимларига номзодларни танлов асосида танлаш, энг малакали ва масъулиятли мутахассислар орасидан судьяларни тайинлаш, шунингдек, раҳбар судьялик лавозимларига кўрсатиш учун тавсия бериш асосида судьялар корпусини шакллантириш борасида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.

Судьялик лавозимларига номзодларни кўриб чиқиш масаласида тўхталиб ўтадиган бўлсак, Кенгаш томонидан ўтган

2018 йил давомида 45 та мажлис ўtkazilgan bўlib, unda жами 673 нафар номзод муҳокама қилинган. Шундан, 432 нафар номзод судьялик лавозимига муносиб топилиб, 83 нафар номзод захирада қолдирилган, 158 нафар номзод судьялик лавозимига муносиб деб топилган.

Бундан ташқари, навбатдаги ваколат муддатига ва бошқа судьялик

лавозимларига 304 нафар судья муҳокама қилинган бўлиб, шундан

243 нафари судьялик лавозимига муносиб, 30 нафари номуносиб деб топилган, 31 нафари захирада қолдирилган.

Судьялик лавозимларига биринчи беш йил муддатга тайинланадиган номзодлар захираасига киритилган

369 нафар номзод муҳокама қилинган бўлиб, шундан судьялик

лавозимига 189 нафари муносиб, 128 нафари номуносиб

топилган, 52 нафар номзод захирада қолдирилган.

Навбатдаги ўн йиллик муддатга

170 нафар номзод муносиб деб топилган. Жумладан, 51 нафари

жиноят ишлари бўйича, 44 нафари фуқаролик ишлари бўйича, 19 нафари

иқтисодий, 41 нафари маъмурий,

2 нафари ҳарбий ва 13 нафари Олий

суднинг судьяси лавозимига

тайинлаш учун кўрсатилган.

2018 йил давомида судьялик лавозимида бўлишнинг муддатсиз

даврига 23 нафар номзод муносиб деб топилган. Хусусан, 14 нафари жиноят

ишлари бўйича, 3 нафари фуқаролик

ишлари бўйича, 1 нафари иқтисодий,


3 нафари маъмурий ва 2 нафари

Олий суднинг судьяси лавозимига

тайинлаш учун кўрсатилган.

Шунга жиддий эътибор қаратиш керакки, ушбу жараёнда судьялик лавозимига номзодларни кўриб чиқиш, номзодни муносиб ёки номуносиб деб топиш шунчаки амалга оширилмайди. Ҳар бир шахснинг тақдим қилинган ҳужжатлари синчиклаб ўрганилади ва шундан кейин коллегиал асосда қарор қабул қилинади.

Савол: Убайдулла Курбонович, шубҳасиз, соҳада яхши натижаларга эришилди. Лекин, тўгрисини айтиш керак, суд тизимида баъзи бир жиддий



муаммоларнинг борлиги ҳам ҳақиқат. Баъзи бир инстанция судлари қарорлари бекор бўлаётганлиги, энг ёмони, баъзи бир судьялар лавозимини сунистъ-мол қилаётган ҳолатлари учраб турибди. Бу эса, одамларнинг суд ҳокимииятига нисбатан ишончи пасайишига сабаб бўлмоқда. Тажрибали мутахассис сифатида ушбу муаммолар, энг муҳими, унинг ечими билан боғлиқ фикрларингизни баён этсангиз.


Жавоб: Тизимдаги муаммоларга ўтишдан олдин, яна бир бор судларга яратилаётган шароит, имкониятлар ҳақида тўхталиш лозим. Биргина Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Жиноят ишлари бўйича судининг, Шайхонтохур тумани Маъмурӣ судининг бинолари энг замонавий тарзда қурилди ва жиҳозланди. Бундан ташқари, бир қанча вилоят судлари бинолари таъмирланди ва баъзилари янгидан барпо этилди. Шароитларини кўриб ҳавасингиз келади. Ҳозир кўпчилик ишонмаслиги мумкин, биз бир пайтлар эски биноларда, қиши пайтлари совук хоналарда ўтириб ишлардик. Тасаввур қилинг, қишининг баъзи совук кунлари оғир, айтиш лозим бўлса, ачинарли ахволда ишлаган кунларимиз кўп бўлган. Бугунчи, шароит мутлақо бошқача. Ойлик маош масаласида ҳам у давр билан бугунги кунни таққослаб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июль куни қабул қилинган "Суд-хуқуқ тизимини янада такомилластириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонига кўра, судьялар ва улар билан биргаликда суд идораларида хизмат қилаётган ходимларнинг ҳам ойлик маошлари сезиларли оширилди. Ҳаттоки, судьяларнинг транспорт воситалари, суд ходимларининг эса намунали уй-жойларни сотиб олишлари учун имтиёзли кредитлар ажратиладиган бўлди. Бундай ҳолат шу кунга қадар ҳеч қачон юз бермаганлиги сабабли ушбу фармонни тарихий фармон десак, мубоблаға қўлмаган бўлмази.

Лекин мана шундай шароит ва имкониятларни қай даражада оқляяпмиз, деган ҳақли савол туғилади.

Минг афсуски, гуруч курмаксиз бўлмаганидек, судьяларимиз орасида ҳам ўзининг ўта шарафли касбига нисбатан масъулиятсизлик билан ёндашаётган ҳамкасларимиз борлиги аччиқ ҳақиқат.

Судьялар олий кенгаши томонидан **2018** йилда судьяларга нисбатан **136** та интизомий иш қўзғатилган бўлиб, уларни муҳокама этиш натижаларига кўра **89** нафар судьяга нисбатан "ҳайфсан", **8** нафар судьяга нисбатан "жарима" интизомий жазо чоралари қўлланилган, **27** та интизомий иш тугатилиб, судьялар огоҳлантирилган, **2** нафар судьянинг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган, **11** та қўзғатилган интизомий иш муҳокамаси кейинги йилга қолдиқ бўлиб ўтган. Қўзғатилган интизомий ишларнинг **72** таси фуқаролик ишлари бўйича, **25** таси жиноят ишлари бўйича, **11** таси иқтисодий, **27** таси маъмурӣ, **1** таси Олий суд судьяларига тўғри келади. Шулардан, **100** таси биринчи марта беш йил муддатга тайинланган судьяларга, **35** тасининг судьялик стажи навбатдаги ўн йил муддатга тўғри келадиган судьяларга, **1** тасининг судьялик стажи муддатсиз даврга тўғри келадиган судьяларга тегишлидир.





Таҳлилларга кўра, интизомий ишларнинг аксарият қисми

**Хоразм (18 та),
Сурхондарё, Тошкент вилоятлари ва
Тошкент шаҳри (14 тадан),
Андижон (12 та),
Қашқадарё (10 та),
Самарқанд ҳамда Сирдарё (9 тадан) вилоят судларига тегишилдири.
Мазкур интизомий ишларнинг 15 таси Судьялар олий кенгашининг ташаббуси билан қўзғатилган бўлса, қолган 40 таси судлар томонидан чиқарилган хусусий ажримлар натижаси бўйича, 33 таси жойлардаги малака ҳайъатлари томонидан ўтказилган хизмат текшируви натижасига кўра, 48 таси жойлардаги вилоят судлари томонидан ўтказилган судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятини ўрганиш натижаларига кўра қўзғатилган.**

2018 йил давомида 14 нафар судья судьялик қасамёдини бузганлиги учун эгаллаб турган лавозимиidan озод этилган.

3 нафар судья судьялик қасамёдини бузганлиги учун ваколатларини муддатидан илгари тугатиш ҳақида Кенгаш томонидан хулоса қилинган.

Мана шу жазо олаётган судьялар, биринчи навбатда, менинг кимгадир жазо тайинлашга маънавий ҳаққим борми ёки йўқми, энг муҳими, судьядек нуфузли касб эгаси бўлишга лойиқманми ёки нолойикманми, деб ўзларига савол беришлари керак эди.

Муқаддас китобларимизда: “Қозининг пора олиши – унинг диндан чиқишидир” деб ёзилган. Энди диндан чиққан одамнинг ҳолини ўзингиз кўз олдингизга келтиринг. Бу ҳақда гапиришга ҳам қўрқасан киши. Бугунги кундаги шунча шароит ва имкониятларга қарамай яна кимдандир таъмагирлик қилган судьяни мен ҳеч қачон кечирмайман.

Суд – одил судловни амалга оширувчи нуфузли давлат органи бўлиб, унда фаолият юритаётганларнинг барчаси ҳалқимиз азал-азалдан талпиниб, ҳамиша ардоқлаб келадиган АДОЛАТни рўёбга чиқаришни мақсад қилган фидойи ва пок ниятли инсонлар бўлиши керак.

Мен кўп йиллик ҳаётий ва иш тажрибадан келиб чиқиб айтаманки, иймон билан виждонига содик ҳолда конституциявий ваколатини амалга оширасигина судья тўғри йўлни танлаган бўлади. Ва пайти келиб эсон-омон нафақага чиққанида ҳам инсонлар уни ҳалол, адолатли судья деб тан олади. Бундай инсон судья деган ниҳоятда шарафли номга эга бўлиши учун ҳам фақат адолатга таяниши талаб этилади.

Арслон ЭШМУРОДОВ сұхбатлашди.

КУН МАВЗУСИ



СУДЬЯЛАР ОЛИЙ МАКТАБИДА ИЛК ЎҚУВ КУРСИ БЎЛИБ ЎТДИ

Набижон ЖАЛОЛОВ,
“Одиллик мезони”
журнали мухабири

Муҳтарам Юртбошимиз маъruzalariда кўп бор суд-хуқуқ тизими фаолиятини атрофлича танқидий-таҳлил қилиб, соҳадаги қатор нуқсон ва камчиликлар ҳақида тўхтатланганда, судьяларни бугунги кун талаби асосида тайёрлаш масаласига алоҳида ургу қаратади.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан мамлакатимизда илк бор Судьялар олий кенгashi ҳузурида Судьялар олий мактаби ташкил этилиб, фаолиятини бошлади. Бу суд ҳокимияти тизимида том маънода катта воқеа ва ушбу соҳанинг бутунлай янги босқичга кўтарилишини кафолатловчи амалий қадам бўлди.

Жорий йилнинг 15-27 апрель кунлари Судьялар олий мактабининг икки ҳафталик илк ўқув курсида судьялар малакаси оширилди. Унда барча вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридан туманлар Маъмурий судларининг жами 15 нафар раислари ва судьялари тингловчи бўлиб сабоқ олишди. Дастребаки ўқув-машгуотларидан ўзига хос таассуротлар билан чиққан тингловчилар ҳамда Судьялар олий мактаби раҳбарияти ва профессор-ўқитувчиларининг ўзаро мулоқоти – очиқ давра сұхбати бўлиб ўтди.

Тўлдирувчи маълумот:

Судьялар олий мактабида ўқув курслари уч босқичда – бир йиллик магистратура, икки ойлик қайта тайёрлаш, икки ҳафталик малака ошириш йўналишиларида олиб борилади.

Судьялар олий мактаби директори Ҳожи-Мурод Исоқов давра сұхбатини очиб, тингловчиларни ва умуман, барчани ўқув курсларининг бошлангани билан табриклиди ҳамда мактаб фаолияти ҳақида гапириб, жумладан, қуидагиларни айтди:

- Бундай таълим муассасаси Ўзбекистон тарихида бўлмаган. Шу маънода, сизлар ушбу куттулуг даргоҳининг илк қалдиргоч тингловчилари бўлганингиздан ҳар қанча фахрланссангиз арзийди.

Судьялар олий мактабининг асосий вазифаси судьялик лавозимларига замонавий билимли, назарий жиҳатдан етук, амалий тажриба ва касбий кўниуммага эга ҳамда вақтни бошқара оладиган номзодларни, судьялар ва суд аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишининг ягона тизимини яратишдан иборатдир. Ўқув курсларида ўқитвишининг янгича усулларидан – инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан

фойдаланилади. Асосли қарорлар қабул қилиши кўникумаларини ривожлантирадиган интерфаол ўқитиш усуллари жорий этилади.

Мазкур курс тингловчилари таркиби Ўзбекистон Судьялар олий кенгаши ҳамда Олий суд билан ҳамкорликда кўриб чиқилган ва тасдиқланган. Тингловчилар катта иш тажрибасига эга судьялар ва бошқа малакали мутахассислардан сабоқ оладилар. Жумладан, ўқув курси дарс жадвалига “Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисида”ги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Маъмурий ишларни кўриб чиқишида биринчи инстанция суди томонидан процессуал қонун нормаларини кўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”-ги қарори мазмун-моҳияти ва унда белгиланган қоидалар, “Маъмурий суд ишларини юритишида халқаро ва хорижий тажрибалар”, “Бошқарув (менежмент психологияси), Бошқарувни тўғри ташкил этиш, Шахсий ва касбий ривожлантириш механизмлари”, “Конфликтология, Низоларнинг келиб чиқиши, иш жараённида низоларни ҳал қилишнинг самарали усуллари”, “Одил судловга тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларга оид суд амалиёти (муаммо ва ечимлар)”, “Суд этикаси: халқаро стандартлар ва хорижий давлатлар тажрибаси” каби муҳим мавзулардаги машгулотлар киритилган. Бундан ташқари, ўқув курси давомида судьялар фаолиятида муҳим аҳамият касб этадиган йўналишлар, яъни “Мулоқот психологияси, ишчанлик мулоқоти, музокаралар олиб бориш, ахборот билан ишлаш психологияси”, “Тайм-менежмент. Вақтни бошқариш, иш жараёнини тўғри ва самара-ли ташкил этиш”, “Йўқолган суд ишини юритишини тиклашнинг умумий қоидалари, қонуний кучга кирган суд хужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўришида суд амалиёти (муаммо ва ечим)” юзасидан амалий машгулотлар ҳам ўтказилди.

ЎҚУВ МАШГУЛОТЛАРИДА

Касбий кўникумалар курси бўйича ўқитувчи, юридик фанлар номзоди Нурали Курбонов “Суд этикаси: халқаро стандартлар ва хорижий давлатлар тажрибаси” мавзууда машгулотни бошлади. У аввал суд этикасининг мазмун-моҳияти, 2018 йил 29 январда тасдиқланган янги таҳрирдаги “Судьялар одоб-ахлоқ кодекси” ҳақида қисқача маълумотлар берди.

— Кўпчилик ҳолатларда, — деди у фирини давом эттириб, — судьялар касб этикасини бузганликлари учун кейинги мuddатга тайинланмайдилар. Демак, ҳар бир судьядан бу борада мулоҳазалироқ бўлиш талаб этилади.

Шундан сўнг машгулот савол-жавоблар, ўзаро фикр алмашувлар тарзида кечди.

Тингловчилар ўз тажрибаларида учраган айрим ҳолатларни баён этиб, унинг ечимини сўрадилар. Мутахассис хорижий тажрибалар ва миллий тизимда кўрилган ишлар асосида тушунтиришлар берди. Масаланинг ечими борасида фикр билдириди. Ўз навбатида, тингловчилар ҳам ўша ҳолатлар юзасидан шахсий мулоҳазаларини айтдилар. Машгулотда, шунингдек, мураккаб ҳолатларда судья ўзини қандай тутиши, холис, бегараз бўлиши масалалари ҳам муҳокама қилинди. Масалан, Н.Курбонов суд қилинаётган ҳуқуқбузар судьянинг синфдоши бўлганда иш адолатли ҳал этилиши учун судья ўзини қандай тутса тўғри бўлиши ҳақидаги савонни ўртага ташлади. Уни тингловчилар муҳокама қилдилар. Бир сўз билан айтганда, 80 дақиқа вақт қандай ўтиб кетганини ҳеч ким пайқамай қолди.

Бундай ибратли ҳолат Тошкент вилояти Маъмурий суди судьяси, юридик фанлар номзоди Исматулла Мамановнинг “Тингловчиларнинг касбий маҳоратларини оширишга йўналтирилган амалий машгулот”ларида ҳам кузатилди.



ТИНГЛОВЧИЛАРНИНГ ФИКРЛАРИ



Сардор РАСУЛОВ, Андижон вилояти, Шаҳриҳон тумани Маъмурӣ суди раиси.

— Менга юридик фанлар доктори, профессор Шуҳрат Файзиевнинг машгулоти жуда ёқди. Лекин вақт тигизлигидан кўп саволларимга жавоб ололмай қолдим. Назарий жиҳатдан мухим гаплар айтилди-да. Умуман дарс берувчи мутахассисларнинг кўплари ўз ишининг усталари экан.

Лекин Олий мактаб эндиғина иш бошлигани боис нафақат тингловчилар, ўқитувчи ва мутасаддилар ҳам ўз устида кўп ишилашлари лозим деб ҳисоблайман.



Баҳодир ҲАЙДАРОВ, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани Маъмурӣ суди судьяси:

— Маъмурӣ ҳукуқбузарликларни ҳал этиши унчалик мураккаб иш эмас. Аммо оммавий-ҳукуқий муносабатларга оид масалалар борасида бундай деб бўлмайди. Чунки бу нисбатан янги соҳа. Шунинг учун унга ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан кўпроқ вақт ажратилса, мақсадга мувофиқ бўларди.



Бахтиёр ҚУТЛИЕВ, Навоий вилояти, Навбаҳор тумани Маъмурӣ суди раиси:

— Машгулотлар яхши таассурот қолдирди. Авваллари ҳам судьялар Ўзбекистон

Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказида малака ошиарди. Уларда ўқитувчилар фақат маъруза қилишарди. Бу ерда семинар, ўзаро сұхбат тарзида ўтди. Амалиётдаги муаммолар ўртага ташланиб, уларни ҳал этиши ўйлари таҳлил қилинди. Бу нарсалар, албаттa, кейинги фаолиятимизда асқотади.



Ақмал БОБОНАЗАРОВ, Касби тумани Маъмурӣ суди раиси:

— Ўқув курси ҳам якунланди. Менда дарс жадвалига кўйилган ўқув машгулотлари жуда катта таассурот қолдирди. Ҳақиқатан ҳам, бугун маъмурӣ суд амалиётидаги маъмурӣ ҳукуқбузарликларга оид ҳамда оммавий ҳукуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишиларни кўриш амалиётидаги баъзи бир муаммолар бор. Масалан, муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириши тўғрисидаги ёки маъмурӣ органларнинг ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариши органларининг, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишиларни кўриш бўйича суд амалиётидаги муаммолар бор. Биз ўзимиз дуч келаётган мана шу муаммоларни тўғери ҳал қилиш бўйича ўқитувчиларга турли саволлар бердик. Олий суд судьялари билан ҳам айни шу масала бўйича фикр-мулоҳазалар алмашдик. Бу келажакда ижобий натижка беради.

Ўқув машгулотлари якунидаги Судьялар олий мактаби раҳбарияти билан ўтказилган дарс машгулотлари бўйича очик мулоқот бўлди. Биздан дарс машгулотларига киритилган мавзулар, дарсларнинг ўтилиши усуллари қай даражада маъқул ёки маъқул эмаслиги тўғрисидаги фикримиз сўралди. Буни жуда тўғри деб ҳисоблайман. Сабаби, бугун биз фикрларимизни айтсан, эртага уни янада тақомиллаштириши имконияти бўлади. Энг мухими, ўқув курси яхши самара бериши учун дарс машгулотлари бўйича биз ҳам ўзимизнинг мулоҳазаларимизни очик айттишимиз лозим.



ЖАЛОЛИДДИН ҲУСЕНОВ, НАМАНГАН ШАҲАР МАЪМУРИЙ СУДИ РАИСИ:

— Мен Судъялар олий мактаби ташкил этишиб, унинг биринчи тингловчиларидан бўлганимдан жуда фахрланаман. Албатта, Судъялар олий мактаби бежиз ташкил этилгани йўқ. Бундан кўзланган мақсад, мамлакатимизда судъялар корпусини тайёрлашининг ягона тизимини ташкил этиш, юриспруденция, хусусан, судъялар касбий этикаси, психологиясини ривожлантириш, қарор қабул қилишда оқипона йўл тута билишга қодир етук судъяларни тайёрлашдир. Икки ҳафталик ўкув курсида бугунги кунда судъялар учун энг керакли бўлган ишига оид мулоқот, вақтни бошқариш, музокаралар олиб бориш, ахборотлар билан ишлиш технологиялари, ҳуқук нормаларини шарҳлаш ва қўллашга доир назарий ва амалий кўникмаларни шакллантириш юзасидан сабоқлар берилди. Судъя мустақил фикрловчи, қатъиятли, жасур ва ҳалол, ўзи қабул қилган қарор учун тўла жавоб бера оладиган шахс бўлиши шарт. Ўкув курсида ўтилган машгулотлар айнан шунга қаратилди.

Дарс жадвалидаги “Маъмурӣ суднинг маъмурӣ ҳукукбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қарорини қайта кўриши бўйича иш юритиш. Кассация ва назорат инстанциялар судида иш юритиш амалиёти”, “Нотариал ҳаракатни амалга ошириш, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиши рўйхатга олиш рад этилганлиги ёки нотариуснинг ёхуд фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиши органи мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашши тўғрисидаги ишларни кўриши бўйича суд амалиёти” мавзулари менга жуда маъқул бўлди. Ушбу мавзулар фақат назарий томондан эмас, балки амалиёт билан уйғун ҳолда олиб борилаётганлиги ижобий самара беради. Бу мавзуларни катта ҳаётий ва иш тажрибасига эга бўлган судъялар ўтишиди. Улар ушбу мавзулар бўйича амалиётдаги муаммоларни ҳам жуда яхши билишади.



ЭЛДОР ҚУРБОНОВ, СУДЬЯЛАР ОЛИЙ МАКТАБИ ЕТАКЧИ МУТАХАССИСИ:

Дарс жараёнларига ўқитишининг замонавий шакл ва услубларини қўллаш кўнкималариiga, амалий тажрибага эга бўлган профессор-ўқитувчилар, мутахассислар жалб қилинди. Мутахассисларни жалб қилишда асосий эътибор уларнинг айнан суд тизимида иш тажрибаси ва малакасига эга эканлигига қаратилди. Шунингдек, жалб қилинган мутахассис ва профессор-ўқитувчиларнинг дарс жараёнлари доимий мониторинг қилиб борилиб, уларнинг дарс ўтиш маҳоратлари тингловчилар томонидан аноним сўровномалар орқали баҳолаб борилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўтказилган аноним сўровномаларда тингловчилар томонидан холисона фикрлар билдирилиб, олиб борилган дарс машгулотлари юзасидан йўл қўйилган камчиликлар аниқ кўрсатилди ва тингловчилар учун фойдали бўлган жиҳатлари тўлиқ баён қилинди. Ушбу ўтказилган сўровнома натижасида кейинги ташкил қилинадиган малака ошириш курсларида дарс жараёнларини ташкил қилишда айнан нималарга эътибор қаратиш лозимлиги хусусида режалар қилиб олинди.

Ўтилган дарсларда назарий билимлар бериш салмоғи камайтирилиб, амалий машгулотлар тарзида ташкиллаштирилди. Ишлаб чиқилган дарс жадвалига мувофиқ, куннинг биринчи ярмида асосан тингловчиларнинг билим ва малакаларини оширишга қаратилган, маъмурӣ суд ишида кўп учраётган муаммолар бўйича амалий машгулот дарслари ўтилди. Қўшимча соат дарс машгулотларида эса тингловчилар мураккаб ишлар бўйича суд процессларида иштирок этилди. Тингловчиларнинг хоҳиш ва истакларидан келиб чиқиб, Олий мактабнинг Суд амалиёти муаммоларини ўрганиш маркази томонидан Тошкент шаҳар ИИБ ЙХХБ ва Тошкент шаҳар наркология диспансери билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 131, 136-моддаларини судда кўриш билан боғлиқ амалиётда йўл қўйилаётган камчиликлар ва уларни бартараф қилиш бўйича семинар ўтказилди.

Үтказилган синов натижаларига кўра, 15 нафар судьяга малака оширганилиги тўғрисидаги сертификат топширилди.

Шунингдек, малака ошириш курси якунида Судьялар олий мактабида дарс жараёнларининг ташкиллаштирилиши, йўл кўйилган камчиликлар, дарс жараёнларини такомиллаштирилиши юзасидан тингловчилардан ёзма фикрлар олиниб, умумлаштирилди. Тингловчилар томонидан билдирилган фикрлар Судьялар олий мактабида кейинги ташкил қилинадиган малака ошириш курсларини янада ривожлантиришга хизмат қиласди.

СЎНГСЎЗ

Ўқув машгулотлари давомида тингловчилар ҳақиқий суд жараёнида ҳам иштирок этдилар. Ундан сўнг судьянинг ишга ёндашувига баҳо бердилар, хато ва камчиликларни муҳокама қилдилар. Бундан ташқари, машгулотлар давомида ҳам суд жараёнларини саҳналаштириб, турли мазмундаги ишларни кўриб чиқдилар. Уларда тингловчиларнинг ўзлари судья, адвокат, прокурор, судланувчи ва жабрланивчи ролларини ижро этдилар. Охирида эса бир-бирларининг ишдаги ҳаракатларига муносабат билдирилдилар. Албатта, бу амалий машгулотлар судьяларнинг ҳар томонлама етук, мустаҳкам иродали, адолатли ва талабчан бўлишларига ижобий таъсир кўрсатади.

Шунингдек, ўқув курси давомида ҳар хил кўнгилочар, дам олиш тадбирлари ҳам ташкил этилди. Масалан, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мухаммад Али билан учрашув ва шахмат мусобақаси тингловчиларда катта таассурот қолдирди. Зеро, маънавий тарбия ҳам судьялар учун жуда муҳимдир. Айнан маънавий фазилатларнинг етишмаслиги туфайли айрим судьялар ўртасида қонунга зид ҳаракатлар содир этиш, таъмагирлик, одамларнинг дарду ташвишларига лоқайд қараш, адолат мезонларига хилоф равишда қарорлар қабул қилиш ҳолатлари учрамоқда. Машгулотларда бу жиҳатларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Албатта, бу ҳали илк қадамлар. Олий мактаб эндиғина фаолиятини бошлади. Олдинда ҳал этилиши лозим бўлган масалалар, муаммолар, ташкилий юмушлар борлиги ҳам рост. Қолаверса, Олий мактабга мавжуд барча судларда фаолият юритаётган судьялар ҳам муддати билан жалб қилинадилар. Бу эса Олий мактаб мутасаддиларидан фидойиликни, тинимсиз меҳнатни талаб этади.

Суд тизими жамиятда адолат ўрнатилишининг асосий таянчларидан биридир.

Одил ва профессионал етук судьялар корпусини шакллантириш ана шу қутлуғ мақсадга элтувчи муҳим воситадир. Ўшанда муҳтарам Президентимиз таъбири билан айтганда, “Онгода — адолат, тилида – ҳақиқат, дилида – поклик хукмрон бўлган” судьялар шаклланиб, халқнинг дардига малҳам бўладилар. Бу йўлда ҳар қанча меҳнат қилинса арзийди.

ТАНАФФУСДА БЛИЦ-ИНТЕРВЮ

Нурали ЖАВЛИЕВ, Тошкент вилояти Янгийўл тумани Маъмурӣ суди раиси:

— **Мана, ўқув машгулотларида қатнашингиз. Хўш, таассуротларингиз қандай?**

— Жуда яхши. Мен 2017 йил Японияда бўлиб, “Судловни амалга оширишининг замонавий усуллари ва методикаси” мавзуидаги 40 кунлик машгулотларда қатнашдим. Ўшанда у ердаги шарт-шароитларга, ўқитиш, ишиш усулларига ҳавасим келганди. Мана, энди бизда ҳам ўз Олий мактабимиз бор. Ўйлайманки, бу мактаб ўзбек суд тизимини юқори босқичларга олиб чиқади.

— **Ўқув жараёнларида балки хаёлингизда таклиф ёки истаклар ҳам тугилганди?**

— Машгулотларда қайсидаир судда кўрилган реал иш муҳокама этилса (майли, манзили, исм-шарифи айтилмасин). Бу судьяни ҳар қандай ҳолатга чиниқтиради, деб ўйлайман.

— **Бадиий адабиётга муносабатингиз қандай?**

— Иш кўп бўлса-да, ўқишига ҳаракат қиламан. Мана, Тошкентга келиб, кечқурун ўқиши учун Ўтқир Ҳошимовнинг “Икки эшик ораси” асарини сотиб олдим. Теодор Драйзернинг асарларини севиб ўқиганман. Умуман, судья учун бадиий адабиёт жудаям муҳим.





**Малика
ҚАЛАНДАРОВА,**

Тошкент шаҳар
Иқтисодий судининг
судъяси, юридик
фанлар номзоди

ЮРИДИК ШАХСНИ МАЖБУРИЙ ТАРТИБДА ТУГАТИШНИНГ АЙРИМ МУАММОЛАРИ

Ҳозирги замон талабларидан келиб чиқадиган бўлсак, биргаликда фаолият кўрсатувчи юридик шахслар кўпайиб бора-веради, натижада судларда уларни тугатиш билан боғлиқ ишлар сони ҳам ошади. Бугунги кунда тугатиш ишларини кўриш билан боғлиқ суд амалиёти ва қонун ҳужжатларини қўллаш жараёнида вужудга келадиган муаммоларни ўрганиш долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Иқтисодий судлар томонидан молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамгармаларини шакллантирган корхоналарни тугатиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июнага 327-сон қарори билан тасдиқланган “Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамгармаларини шакллантирган корхоналарни тугатиши тартиби тўғрисида”ги

Низом талаблари асосида амалга оширилади.

Суд амалиётида мазкур Низом талабларини қўллаш жараёнида баъзи масалалар вужудга келганлигини инобатга олиб, қуидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Биринчидан, айтайлик, таркибига 10 та муассис кирган МЧЖ ўз фаолиятини тұхтатди. Муассислар ихтиёрий тугатишни ўтказмоқчи бўлишди. Бироқ МЧЖ муассисларидан бири ихтиёрий тугатишга рози бўлмаганлиги ва молия-хўжалик фаолияти амалга оширилмаганлиги туфайли рўйхатдан ўтказувчи орган жамиятни мажбурий тугатишни амалга ошира бошлади. Биринчи инстанция суди тегишли қарор қабул қилди, унга рози бўлмаган муассис шикоят қилди. Кассация инстанцияси биринчи инстанция судининг қарорини бекор қилди ва тугатиш ўтказилмади.

Мазкур ҳолатда тугатиш ишларининг якунланишига битта муассиснинг рози эмаслиги туфайли уни мажбурий тугатиш учун Низомда белгиланган асослардан четга чиқиш мумкинми? Чунки муассис жамиятни сақлаб қолмоқчи, лекин ижро органи молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишга тўсқинлик қилмоқда.

Ушбу ҳолатда жамиятни битта таъсисчи билан давом эттиришнинг имкони мавжуд-





лигини махсус комиссия ўрганадими, деган савол туғилади.

Иккинчидан, "Оилавий корхона тўғрисида"ги Қонуннинг 30-моддасига кўра, оилавий корхонани тугатиш унинг иштирокчилари-нинг ёки суднинг қарорига кўра, шунингдек, агар унда оилавий корхонанинг ягона иштирокчиси қолган бўлса, амалга оширилади.

Низомга асосан оилавий корхонада ягона қатнашчи қолиши унинг тугатилишига олиб келади, мазкур ҳолатда, ушбу вазифа судлар томонидан амалга ошириладими ёки рўйхатдан ўтказувчи орган суднинг қарори-сиз бу вазифани амалга оширадими?

Назаримизда, ушбу ҳолатда суднинг ҳал қилув қарори чиқарилишига зарурат бўл-маслиги лозим.

Учинчидан, Низомнинг 2.4-бандига биноан, солиқ органлари қонунчиликда белгиланган муддатларда молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган корхоналарнинг аникланишига кўра, рўйхатдан ўтказувчи органга мол-мулки бўлмаган ва (ёки) муассислари бедарак бўлган корхоналарни тугатиш тўғрисида тақдимнома юборади.

ФКнинг 33-моддасига кўра, агар фуқаронинг қаердалиги ҳақида унинг яшаш жойида бир йил давомида маълумотлар бўлмаса, манфаатдор шахсларнинг аризасига муовфиқ суд бу фуқарони бедарак ўйқолган деб топиши мумкин.

Муассисларни аниқлаш учун белгиланган муддатлар нуқтаи назаридан оладиган бўлсак, Низом талаблари билан қонун талаблари мос келмайди.

Бунда муассиси бедарак бўлган ёки муассисини топишнинг имкони бўлмаган тушунчаларига аниқлик киритиш лозим бўлади.

Хукукни кўллаш амалиётида ишлатиладиган юридик атамалар бир хил мазмун касб этиши келгусида судлар томонидан қонун ҳужжатларини бир хил амалиётда кўллашга имкон беради.

Тўртингчидан, агар корхона ўз фаолиятини вақтингчалик тўхтатиш ҳақида ариза тақдим этиб, бироқ корхонанинг раҳбари ҳар ой солиқ бўйича ҳисоботларни бериб борса, таъсисчиларининг вақтингчалик мавжуд эмаслиги уни тугатиш учун асос бўла олиш масаласига ҳам хукуқий баҳо бериш лозим.

Россия, Қозогистон суд амалиётига кўра, ушбу ҳолатда корхонани тугатишига йўл кўйилмайди.

Мазкур ҳолатда, суд томонидан корхонани тугатиш учун тугатиш ҳақида ариза билан судга мурожаат қилувчи орган судга юридик шахснинг муассислари мавжуд бўлмаганлиги сабабли юридик шахснинг бундан кейин уларнинг иштирокисиз фаолиятини давом эттиришнинг имконияти мавжуд эмаслиги ҳақидаги далилларни тақдим этиши лозим бўлади.

Бундан ташқари, юридик шахс муассисларининг мавжуд эмаслигини тасдиқловчи далиллар сифатида унинг муомалага лаё-катсиз деб топилганлиги, ягона таъсисчи-

нинг вафот этганилиги, бедарак йўқолган деб топилганлиги каби далиллар бўлиши мумкинлигини қонун ҳужжатларида назарда тутилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шунингдек, яна бир ҳолат, агар муассисларини топишнинг имкони бўлмаган шахслар ишни суд мажлисида кўриш жараёнида пайдо бўлиб қолса, даъвони рад қилиш учун асос бўла оладими?

Назаримизда, ушбу ҳолат, даъвони рад қилиш учун асос бўлиши лозимлиги, келгусида уни яна қайта тугатиш ҳақидаги ариза билан судга бошқа асосларни қўшиб мурожаат этишига тўсқинлик қилмаслигига оид қоидани белгилаш лозим бўлади.

Бешинчидан, суд амалиётида вужудга келган яна бир ҳолат. Дейлик, корхонанинг таъсисчиси тугатилиб, давлат реестридан чиқарилган, бироқ унинг ижрочи органи корхонанинг фаолиятини давом эттиromoқда. Бироқ қонун ҳужжатларида мазкур ҳолатда у таъсис қилган корхонанинг юридик тақдирини белгиловчи механизм мавжуд эмаслиги аниқланди.

Шунга кўра, юридик шахс таъсисчисининг тегишли тартибда давлат реестридан чиқарилганлиги судга юридик шахсни тугатиш ҳақидаги ариза билан мурожаат қилишга асос бўлиши, бу бевосита у таъсис қилган корхонанинг ҳам тугатилишига олиб келиши лозим. Бу ҳақда давлат хизматлари агентлиги тегишли равишда солиқ ва маҳ-

сус комиссияни хабардор қилиши керак, деб ҳисоблаймиз.

Олтингчидан, муассис томонидан устав фондидағи эълон қилинган ҳиссани тўлаш усули таъсис шартномасига тегишли ўзгартишларни олдиндан (ёки кейин) киритишсиз ўзгартирилиши, агар амалда ҳиссанинг тўланган миқдори эълон қилинган миқдорга тенг бўлса, устав фондини шаклланмаган деб топиш учун асос бўлиб хизмат қила олмайди. Бунда муассис мажбуриятларини, агар улушнинг таъсис шартномасида назарда тутилмаган усул билан киритилиши бошқа муассислар ёки ўзи ташкил этган корхона томонидан низолашилмаса, бажарилмаган деб ҳисоблаш тўғри эмас.

Еттингчидан, хорижий муассис билан имзоланган, киритилаётган мол-мулкка топшириш далолатномасининг йўқлиги ҳам, муассис эълон қилинган устав капиталидаги ўз ҳиссанини тўлаш бўйича мажбуриятини бажарганлигини ишончли тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатлар мавжудлигига, устав фондини шаклланмаган деб баҳолаш учун асос бўла олмайди.

Кўрсатилган жиҳатларни меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда тартибга солиш мақсадга мувофиқдир.

Саккизинчидан, Низомдаги судгача мурожаат қилиш муддатларининг икки хил тушунилишини бартараф қилиш ҳам муҳим.

Низомнинг 3.1-бандига кўра, рўйхатдан ўтказувчи орган молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва (ёки) қонунчиликда белгиланган муддатда ўз устав жамармасини шакллантирган корхоналар фаолиятини бундан кейин давом эттириши мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида солиқ органининг тақдимномасини ёки маҳсус комиссиянинг холосасини олган кундан бошлаб бир ҳафта муддатда муассисларга (қатнашчиларга) асосларини кўрсатган ҳол-

*Күшлар каби ҳавода учиини ўргандик.
Балиқлар каби денгизларда сузиини ўргандик. Лекин ҳозиргача ер юзида ака-уқадек яшаши ўрганмадик.*

**Мартин
Лютер КИНГ**





да ёзма равища, корхонани ихтиёрий тугатиши таклиф этади.

Агар корхона икки ҳафта муддатда (акциядорлик жамияти – бир ой муддатда) **ихтиёрий тугатишга киришмаган ёху корхона муассислари** (қатнашчилар) **ихтиёрий тугатишни амалга оширишини рад этган, шунингдек, кўрсатиб ўтилган шахсларни аниқлаш мумкин бўлмаган тақдирда, рўйхатга олувчи орган бир ҳафта муддатда иқтисодий судга корхонани тугатиш тўғрисидаги даъво аризасини белгиланган тартибда юборади.**

Низомнинг 5.1.5.2-бандларига кўра, муассислари бедарак бўлган корхоналар бўйича рўйхатдан ўtkазувчи органлар матбуотда улар томонидан корхоналарни тугатиш жараёнининг бошланиши тўғрисида эълон берадилар ҳамда айни пайтда:

ички ишлар органларига муассислар ва мансабдор шахсларни қидириш чора-тадбирларини кўриш;

мазкур корхоналарга хизмат кўрсатувчи банк муассасалари – уларнинг банк ҳисоб варакларини белгиланган тартибда ёпиш учун тегишли ахборот юборадилар.

Агар уч ойдан сўнг муассислар (қатнашчилар) келмаса ёки топилмаса, рўйхатдан ўtkазувчи орган бир ҳафта муддатда корхонани тугатиш тўғрисида иқтисодий судга даъво аризаси билан мурожаат қиласди.

Тўққизинчидан, Низомнинг 3.5-бандига кўра, иқтисодий суднинг қарори кучга кирган вақтдан бошлаб корхона ишларини бошқариш бўйича барча ваколатлар маҳсус комиссияга ўтади.

Бироқ баъзи ҳолатларда тугатиш ишлари суд томонидан кўриб чиқиш жараёнида корхонанинг ижро органи ёки муассислари томонидан пул маблағларидан фойдаланганлик ҳолатларига дуч келишимиз мумкин.

Лекин бу ҳаракатлар учун соликлар тўланиши назарда тутилмаган. Мазкур ҳолатда, банк ҳисоб варакларини музлатиш мақсаддага мувофиқ. Бу эса, келгусида муассислар ўртасида вужудга келадиган ортиқча низоларни, яширин иқтисодиётнинг олдини олишга хизмат қиласди.

Үнинчидан, суд амалиётида суднинг ҳал қилув қарорига асосан мажбурий тартибда тугатилган шахсларга нисбатан судга даъво аризаси тақдим этилганда масалани қуидагича ҳал қилиш лозим бўлади:

— агар қарздорлик маҳсус комиссия томонидан тан олинса, кредиторлар реестрига киритилади;

— агар қарздорлик маҳсус комиссия томонидан тан олинмаса, судга даъво ариза билан қарздор ташкилотга нисбатан даъво билан чиқишига тўсқинлик қилмайди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, норматив-хукукий хужжатлардаги хукукий муносабатларнинг тўлиқ тартибга солинмаслиги, келгусида уни кўлловчи органлар томонидан бир-бирига зид бўлган янги “хукуқ нормалари”нинг яратилишига, суд амалиётида бир масалага нисбатан турли хил ёндашувларнинг вужудга келишига сабаб бўлади.

ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК



Нилуфар УСМОНОВА,
Тошкент шаҳар
Маъмурий суди судьяси



Сайёра СОДИКОВА,
хукуқшунос,
журналист

“Аҳолининг ҳуқуқий билимлари етарли эмаслиги, шунингдек, давлат органларининг қонунга хилоф қарорлари устидан судга шикоят қилиши имкониятидан деярли фойдаланмаслиги мансабдор шахслар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари камситилиши ҳолатларининг вужудга келишига сабаб бўлмоқда”.

Ш. Мирзиёев

СУДНИНГ ҚАРОРИДАН РОЗИМАН (МИ?)

Жорий йилнинг 9 январида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. Дарҳақиқат, жамиятда ҳуқуқий маданият шаклланиши учун фуқаролар ҳуқуқий билимларга эга бўлиши лозим. Ҳар бир фуқаро қонунларга суюниб иш олиб бориши, ўз ҳуқуқлари давлат органлари ёки айrim шахслар томонидан бузилган тақдирда, уларнинг даражаси ва мавқеидан қатъий назар, суд орқали адолатли ечимга эришишлари мумкин. Бугунги кунда судларга мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (харакатсизлиги) устидан ҳам шикоятлар тақдим этилмоқда. Мисол тариқасида фуқаро Олимов Одил Илёсович ва Олимов

Равшан Илёсовичларнинг (исм-шарифлар ўзгартирилган) туман ҳокимияти мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан судга берган аризасини келтиришимиз мумкин. Туман Маъмурий судининг ҳал қилув қарори билан аризачиларнинг туман ҳокимияти мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларига нисбатан келтирган шикоятини қаноатлантириш рад этилади. Мазкур суднинг қароридан норози бўлган Одил ва Равшан Олимовлар апелляция шикоятини келтирадилар. Судлов ҳайъатининг ажрими билан туман судининг мазкур иш юзасидан қабул қилинган қарори бекор қилиниб, иш биринчи инстанция судида иш юритиш қоидлари бўйича кўриб чиқиш учун апелляция инстанциясининг иш юритувига қабул қилинган. Суд иши жараёнида мустақил талаблар билан арз қиливчи Олимова (Умарова) Наргиза Назировна учинчи шахс сифатида жалб қилиниб, ўз навбатида, Наргиза ҳам суднинг қароридан рози эмаслигини, шикоятни кувватлаши ҳакида фикр билдиради.

Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий иш юритиш тўғрисида”ги кодексининг 217-моддасига кўра, суд ишни апелляция инстанциясида кўриш чоғида биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг қонунийлигини ва асослилигини текширади.

Маълум бўлишича, Тошкент шаҳри ҳокимининг 2016 йил 2 июнданги “Ер майдонларини ободонлаштириш ва бузиш ишларини олиб бориш” ҳақидаги 288-сонли қарорига биноан Фаровон кўчасидаги 115-йй бузилиш худудига тушган. Ушбу манзилда аризачи Одил Олимов турмуш ўртоғи Наргиза Олимова билан бирга истиқомат қилиб кел-





ган. Мазкур уй бузилиши сабабли аризачилар туман ҳокимиятига уларга Тошкент вилояти ҳудудидан уй-жой қуриш учун ер ажратиб беришни сўраб мурожаат қилгандар. Мурожаатга асосан туман ҳокимияти хузуридаги “Туман ҳудудида бузилишилари олиб борилиши муносабати билан уйи бузилишга тушган оиласларни уй-жой ва ер бўлаклари билан таъминлаш масалаларини кўриб чиқиш бўйича комиссия”нинг 2016 йил 2 июндаги баёни ҳамда туман ҳокимининг 2016 йил 10 сентябрдаги 602-сонли қарори билан уларга Тошкент вилояти ҳудудидан уй-жой қуриш учун ер ажратилади. Бироқ низоли уй мулқдори бўлган Р.Олимов бузилишга тушган уй-жой ҳисобидан ер участкаси олишга норози экани, бундан ташқари, уй-жой қуриш учун моддий томондан имконияти йўқлигини айтади. Қоловерса, битта ер майдонига алоҳида уй-жой қуришга келиша олмасликларини важқилиб келтиради. Шунингдек, аризачилар туман ҳокимияти қошидаги Комиссияга уй-жой қуриш учун ер ажратиб бериш ҳақидағи аризага фуқаро Н.Олимова ва Р.Олимов номидан О.Олимов имзо қўйганлигини маълум қиладилар. Туман суди, аризачилар судга ушбу важвларни тасдиқловчи далилларни тақдим этмаганликларини асос қилиб, шикоятни рад қилиш ҳақида хulosага келган. Уларнинг важвларини текшириш чораларини кўрмаган. Тарафларнинг важвларини текшириш мақсадида судлов ҳайъати томонидан суд-хатшунослик экспертизаси ўтказилади. Суд экспертиза натижасида туман ҳокимиятига Тошкент вилояти ҳудудидан уй-жой қуриш учун ер ажратиб беришни сўраб ёзилган аризадаги имзо ростдан ҳам О.Олимовники эканлиги аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 майдаги 97-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 8-бандида, ер участкаларини олиб қўйиш компенсациянинг қўйидаги турлари берилиши шарти билан амалга оширилади, яъни фуқароларга уй-жой майдонининг ижтимоий нормасидан кам бўлмаган бошқа тенг қийматли обод турар жойни мулк қилиб бериш ва дов-дараҳтлар қийматини тўлаш; бузилаётган уйлар, бошқа иморатлар, иншоотлар ва дов-дараҳтлар қийматини фуқароларга тўлаш; ер участкасини ўзлаштириши даврига икки йилгacha мuddат билан ижара шартномаси асосида вақтинча уй-жой берилиб, бузилаётган уйлар (квартиralар), иморатлар, иншоотлар ва дов-дараҳтларнинг қийматлари тўлиқ тўланган ҳолда фуқароларга якка тартибда уй-жой қуриш учун белгиланган норма доирасида ер участкаси бериши ва бошқалар билан амалга оширилади.

Мазкур низомнинг 14-бандига кўра, ер участкаларининг давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларнинг мулки бўлган уйлар(квартиralар) бузилган тақдирда кўрсатиб ўтилган фуқароларга, уларнинг оила аъзоларига, шунингдек, ушибу уйларда (квартиralарда) доимий яшайдиган фуқароларга уларнинг танлашига кўра ҳамда томонларнинг келишуви бўйича ижтимоий нормадан кам бўлмаган майдонга эга бўлган тенг қийматли бошқа

қулай уй-жой мулк қилиб берилади ҳамда дов-дараҳтларнинг қиймати тўлана-ди ёхуд бузилаётган уйлар (квартирапар), бошқа иморатлар, иншиоотлар ва дов-дараҳтлар қиймати тўланади. Берилаётган турар жойининг тенг қий-матга эгалиги мулкдорнинг бузилаёт-ган уй-жойи (квартираси) нархига тенг миқдорда белгиланади.

16-бандига мувоғик, турар жой олиш учун бузилаётган уй (квартира) эгаси бўлажак бузиш тўврисида билдиришино-ма олингандан кейин бир ой муддатда оила аъзолари ёки бошқа биргаликда яшайдиган (рўйхатдан ўтган) шахслар билан келишган ҳолда тегишли туман-лар (шаҳарлар) ҳокимликларига ўзига бузилган уй-жой ўрнига турар жой ажратиши тўврисида ариза бериши керак, аризада оила таркиби, доимий яшайдиганлар сони, турар жой майдонининг ижтимоий нормасидан ортиқча кўшимча уй-жой майдони олиш учун имтиёзлар кўрсатилади. 21-бандига кўра, ер участкалари давлат ёки жамоат эҳтиёjlари учун олиб кўйилиши муносабати билан фуқароларнинг мулкида бўлган уйлар(квартирапар) бузилганда мазкур фуқароларга, уларнинг оила аъзоларига, шунингдек, ушибу уйларда (квартирапарда) доимий яшаётган фуқароларга уларнинг хоҳишига кўра якка тартибда уй-жой қуриши учун белгиланган норма доирасида ер участкаси берилади. Бун-да ер участкасини ўзлаштириши дав-

рига икки йилгача муддат билан ижара шарномаси асосида вақтинча уй-жой берилаб, бузилаётган уйлар (квартирапар), иморатлар, иншиоотлар ва дов-дараҳтларнинг қиймати тўлалигича копланади.

22-бандидага якка тартибда уй-жой қуриши учун компенсация сифатида ер участкаси бериш ва бузилаётган уйлар (квартирапар) мулкдорига товон тўлаши тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари томонидан мазкур Низомнинг 15-бандидага назарда тутмилган маблаглар ҳисобига амалга оширилиши белгиланган.

Аризачиларга тегишли ва уларнинг доимий фойдаланишида бўлган турар жойни бузиб, ер майдонини давлат эҳтиёжи учун олишда, туман ҳокимияти томонидан юқорида қайд этилган Низом талаблари кўпол равишда бузилганлиги маълум бўлди. Гарчи, низоли уйнинг бирдан икки қисми Одил Олимовга мулк ҳукуқи асосида тегишли бўлса-да, унга мулкига тенг қийматда обод турар жой бе-рилгунича ёхуд ер участкаси ўзлаштирилгунiga қадар 2 йил муддатга вақтинча яшаш учун турар жой ажратиш чоралари кўрилмаган. Шунингдек, низоли манзилда яшовчи Олим ва Наргизалар бошқа яшаш учун турар жойга эга бўлмасалар-да, уларга уй-жой қуриш учун Равшан билан биргаликда битта ер участкаси ажратилган.

Ўзбекистон Республикаси МСИЮтКнинг 189-моддасида, суд устидан шикоят қили-





наётган қарор ёки унинг айрим қисмлари ёхуд ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) қонун хужжатларига зид эканлигини ҳамда аризачининг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриклиданадиган манфаатларини бузәтганинги аникласа, қарорни ёки унинг айрим қисмларини ҳақиқий эмас ёхуд ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) қонунга хилоф деб топиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилиши белгиланган.


Гарчи, Комиссиянинг баённомасида улар ер ажратиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилганликлари кўрсатилган бўлса-да, суд жараёнида ушбу аризадаги Олим ва Наргизаларнинг имзоси сохталаштирилганлиги, улар ушбу мазмундаги ариза билан мурожаат қилмаганликлари аникланди. Демак, бундай ҳолатда комиссиянинг 2016 йил 2 июндаги баёни ҳамда туман ҳокимиининг 2016 йил 10 сентябрдаги якка тартибда уй-жой қуриш учун ер бериш ҳақидаги қарорини қонуний деб бўлмайди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 11-моддасига кўра, фуқаролик ҳуқуқлари давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг хужжатини ҳақиқий эмас деб топиш йўли билан ҳимоя қилинади. Шу кодекснинг 12-моддасига кўра, давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонун хужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳамда фуқаронинг ёки юридик шахснинг фуқаролик ҳуқуқларини ва қонун билан кўрикландиган манфаатларини бузадиган хужжати суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Бинобарин, суд хужжатни ҳақиқий эмас деб топган тақдирда, бузилган ҳуқуқ ушбу Кодекснинг 11-моддаси-

да назарда тутилган ҳолда ҳимоя қилиниши керак.

Суд юқорида қайд этилган қонун талаби ва аниқланган ҳолатлардан келиб чиқиб, шикоятни қаноатлантиришни, туман ҳокимиияти ва ҳокимиият ҳузуридаги Комиссиянинг аризачиларга бузилган уй-жойлари ҳисобидан ер майдонини ажратишида ифодаланган ҳаракатларини файриқонуний деб топди. Туман ҳокимининг зиммасига эса аризачиларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 майдаги 97-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш ҳақидаги”ги Низом талабларига кўра компенсация қилиш мажбуриятини юклади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкини, суд фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш билан бирга, жамиятда ижтимоий адолатни таъминлаб, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлади. Бинобарин, жамиятимизда ҳуқуқий билим даражасини ошириш билан биз қонун бузилишлари, адолатсизликларнинг олдини оламиз. Буни бевосита Олимовлар каби бошқа фуқаролар ҳам ўзининг қонуний манфаатларини ҳимоя қила олишлари ва бузилган ҳуқуқларини тиклашларида кўрамиз. Шубҳасиз, барчамизнинг қонун ва суд олдида тенглигимиз ҳам ҳуқуқий маданиятнинг ажралмас қисмидир.





СУД ОРГАНЛАРИНИНГ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ФАОЛИЯТИДАГИ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ

Ахтам ТУРСУНОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Академияси Хуқуқбузарликлар
профилактикаси кафедраси бошлиги,
юридик фанлар доктори, 1-даражали
давлат адлия маслаҳатчиси

Аброр МУХИДДИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Академияси Хуқуқбузарликлар
профилактикаси кафедраси
ўқитувчиси

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегияси”да жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш, жиноятчиликка қарши кураш бўйича ташкилий-амалий чораларни кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш борасидаги фаолиятини самарали ташкил этишга қаратилган долзарб вазифалар белгилаб берилган.

Мамлакатимизда қисқа давр мобайнида суд-хуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилди. Айниқса, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга йўналтирилган суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, маъмурӣ, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарасини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маълумки, барча ривожланган демократик давлатларнинг миллий қонунчилигида инсон ҳуқуқ ва эркинлигини ҳимоя қилиш билан бир қаторда жамият ҳаётида мавжуд бўлган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг барвақт олдини олиш, унинг сабаб ва шароитларини ўрганиш ҳамда унга қарши самарали профилактика чора-тадбирларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилади. Шу боисдан ҳам бугунги кунда мамлакатимизда ҳуқуқбузарликларга қарши курашишда самарали натижаларга эришиш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар миқдорини паст даражагача тушириш, салбий оқибатларини камайтириш учун уларнинг сабаб ва шароитларини ўрганиш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Афсуски,

«ҳуқуқбузарликлар ўз-ўзидан содир этилмайди. Асосий масала ҳуқуқбузарликларнинг оқибатлари билан курашиш эмас, балки барвақт олдини олиш, содир этишга имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни ўз вақтида бартараф этишдан иборатдир».

Ҳуқуқбузарликлар сабаблари уларнинг содир этилишини тақозо этадиган, уни озиқлантирадиган, унинг кўпайишини таъминлайдиган ҳодиса ва жараёнларнинг йигиндиси бўлса, жиноят шароитлари эса, жиноятни бевосита келтириб чиқармайдиган, бироқ унинг содир этилишига кўмаклашадиган ҳодиса ва жараёнларнинг мажмуи ҳисобланади.

Таъкидлар шуну кўрсатмоқдаки, ҳар қандай ҳуқуқбузарликнинг келиб чиқишига муайян давражада ижтимоий, иқтисодий, маънавий, сиёсий, ҳуқуқий соҳадаги бўшликлар сабаб бўлади. Зоро, содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг энг жиддий, ижтимоий хавфлилари жиноят тарзида таъқиб қилиниб, ушбу қилмишларга нисбатан амалдаги қонун нормаларига асосан жавобгарлик белгиланади.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида амалга оширилаётган комплекс профилактик чора-тадбирлар натижасида республикадаги криминоген вазиятни сезиларли даражада яхшилашга эришилди. Жумладан, 2018 йилда республика бўйича 2301 та маҳаллада умуман жиноят содир этилмади

ҳамда жиноятчилик 2017 йилга нисбатан 33,5 фоизга камайишига эришилди. Бундай ижобий натижаларга эришишда суд органларининг жойларда хукуқбузарликлар профилактикаси ни амалга ошириш ҳамда унга қарши курашиш борасида самарали профилактик чора-тадбирларни амалга ошириб келаётганигини эътироф этиш лозим.

Суд органларининг маъмурий худудларда бевосита фаолият олиб борувчи профилактика инспекторлари билан ўзаро ҳамкорликда сайёр суд мажлисларини ўтказиш амалиётининг жорий этилганлиги биринчидан, ахолининг хукуқий онги ва маданиятини юксалтиришга, иккинчидан, хукуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган шахсларни тарбиялашга, учинчидан, хукуқбузарликларнинг умумий, якка ва виктимологик тартибдаги профилактикасини амалга оширишга, тўртинчидан, ички ишлар органлари билан суд органларининг ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштиришга, бешинчидан, хукуқбузарликларнинг келиб чиқиш сабаб ва шароитларини ўрганиш, хукуқбузар шахслар томонидан содир этилган ижтимоий хавфли қилмишларни фуқаролар олдида муҳокама қилиш орқали уларга нисбатан жамоатчилик таъсир чораларини кўллашга хизмат қилмоқда. Мазкур профилактик чора тадбирлар хукуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.


Хукуқбузарликлар барвақт профилактикаси – фуқароларнинг хукуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини хурмат қилиш, одоб-ахлоқ қоидаларига, Конституция ва қонунларга риоя этиш руҳида тарбиялаш, жамият (оила, жамоа, худуд, соҳа)даги ижтимоий-рухий муҳитни

соғломлаштириш, одамларда ғайриижтимоий хулқ-атвор ва хукуқбузарлик содир этишга ёхуд унинг жабрланувчиси бўлишга мойиллик шаклланишининг олдини олишга қаратилган тарбиявий, маънавий-маърифий, хукуқий, психологик, ижтимоий-иктисодий ва огоҳлантирувчи профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш жараёнидир.

Хукуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда хукуқни муҳофаза қилувчи органлар қатори судларнинг хукуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш борасидаги фаолияти долзарб вазифалардан бирига айланиб бормоқда. Чунки, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев: “Давлат идоралари аксарият ҳолларда хукуқбузарликлар профилактикасини фақатгина хукуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифаси сифатида баҳолаб, оқибатда ушбу фаолиятга лозим даражада эътибор қаратмаяпти” – деб таъкидлаган эди.

Хукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш суд органлари учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бугун суд тизимининг давлатда ва бутун жамиятда обрў-эътиборини ошириш ҳамда позициясини мустаҳкамлаш борасидаги ишларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгashi ҳузуридаги Судьялар олий мактаби ҳамда вилоят, туман, шаҳар судлари томонидан доимий равишда оммавий аҳборот воситалари орқали жамият ҳаётида кўп содир этилаётган жиноятлар турлари ва уларнинг муҳокамаларига бағишлиланган телекўрсатувлар ташкил этиб борилиши, шунингдек газета ва журнallарда долзарб аҳамиятга эга бўлган мавзуларда мақолалар эълон қилишни кучайтириш бевосита хукуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, суд органлари томонидан профилактик фаолиятни амалга ошириш ва жиноятларнинг олдини олиш борасида жуда кенг ва қулав имкониятлар мавжуд бўлиб, улар хукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашда юзага келадиган барча хукуқий муносабатларда қатнашадилар.

Судлар томонидан хукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар биринчидан, фуқароларнинг хукуқий онги ва маданиятини юксалтиришга, иккинчидан, фуқароларни қонунларга хурмат ва унга итоаткорлик руҳида тарбиялашга, учинчидан, хукуқбузурликлар содир этишга мойил бўлган алоҳида тоифадаги шахсларга тарбиявий аҳамиятга эга бўлган таъсир чораларини кўрсатишга, тўртинчидан, мамлакатимизда хукуқбузарликларни барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олишга қарши курашда муҳим аҳамият касб этади.





ИШ ҲАҚИННИ НОРАСМИЙ РАВИШДА ТҮЛАШ: ҚОНУН, АМАЛИЁТ, МУАММО ВА ЕЧИМ

Шуҳрат РАХМАНОВ,

Швейцариянинг Лунд

университети тадқиқотчиси,
юридик фанлар номзоди

Аннотация: Маколада айрим иш берувчилар солиқ түлашдан бўйин товлаш мақсадида амалиётда кўлладидиган меҳнатга ҳак тўлашининг норасмий усуслари тадқиқ этилган, ушбу ҳодисанинг сабаб ва оқибатлари ўртасидаги алоқа ҳамда ғаромад «ранги»-нинг ишчи-ходим, иш берувчи ва умуман давлатнинг фаронсонлигига таъсири таҳлил қилинган, иш ҳақини «конвертда» тўлаш ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларини бузган иш берувчилар ва ишчи-ходимларнинг жавобгарлиги баён этилган. Меҳнатга ноқонуний ҳак тўлашининг қўлланиши ва тарқалишига қарши кураш бўйича ташкилий ва амалий аҳамиятга молик тақлифлар берилган.

Таянч сўз ва иборалар: норасмий бандлик, меҳнатга ҳак тўлашининг яширин шакллари, норасмий, «қонуний», «кулранг», «қора» иш ҳақи, «конвертдаги» иш ҳақи, иш берувчи, ишчи-ходим, меҳнатга ҳак тўлаш соҳасидаги ноқонуний амалиёт, солиқларни тўлашдан бўйин товлаш, санкциялар, қонун.

Аннотация: В рамках данной статьи исследуются применяемые на практике неформальные схемы оплаты труда отдельными работодателями в целях ухода от налогообложения. Анализируется причинно-следственная связь данного явления и влияние «цвета» дохода на благополучие работника, работодателя и государства в целом и мера ответственности для работодателей и работников в случае нарушения норм действующего законодательства. Предложены конкретные меры и рекомендации по борьбе с применением и распространением нелегальных форм оплаты труда.

Опорные слова и выражения: неформальная занятость, скрытые формы оплаты труда, неофициальная, белая, серая, черная заработка плата, заработка плата «в конверте», работодатель, работник, неправовые практики в сфере оплаты труда, уклонение от уплаты налогов, санкции, закон.

Abstract: This article examines the schemes of informal payment of wages by individual employers with the aim to avoid taxation. It will also analyze the causes and consequences of this phenomenon and the effect of the “colour” of income on the well-being of an employee, an employer and the state as a whole. It also discusses legal consequences that employers and employee face when engaging in hidden schemes. The article contains a detailed analysis and proposes measures on how to legalize hidden forms of remuneration and reduce its prevalence.

Keywords: informal employment, hidden wages, informal wages, white, grey, black wages, “envelope” wages, employer, employee, illegal practice of labor payment, tax evasion, sanctions, law.

Жаҳонда юз бераётган иқтисодий глобаллашув жараёни ва молиявий инқизорлар, иқтисодий хавфсизликка қаратилган таҳдидлар шароитида миллий иқтисодиётни модернизация қилиш ва ривожлантириш ҳар бир давлатнинг асосий вазифаларидан хисобланади. Мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий тараққиёти асосида турли тармоқ ва соҳаларнинг ривожланиши ётади. Тараққиёт давомида ҳам бир қанча муаммолар ўзининг салбий ҳусусиятлари билан давлат фаолиятига ҳамда жамият ҳаётига таъсир кўрсатади. Бундай муаммолардан бири, сўнгги ўн йил давомида барча мамлакатларда хуфёна иқтисодиётнинг улуши сезиларли даражада ўсиб бораётгани, жумладан тадбиркорлик субъектлари томонидан ишчи-ходимларни ноқонуний равишда ишга ёллаш ва меҳнат учун ҳак тўлашининг турли «кулранг» ва «қора» схемалари мавжудлиги бюджетни тўлдириш йўлидаги жиддий муаммо бўлиб, мамлакатга ижтимоий-иқтисодий, молиявий жиҳатдан зарар келтириб, жамият аъзоларининг «тадбиркорлик» тушунчасини нотўғри тушунишларига, ижтимоий муаммолар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.




Жаҳоннинг деярли барча мамлакатларида норасмий бандлик мавжуд бўлиб, унинг улуши турли мамлакатларда турлича. Республика Давлат солиқ қўмитаси томонидан ўтказилган таҳлил натижасидан маълум бўлишича, 13,2 млн. фаол фуқаронинг фақатгина 5,8. млн. нафари (44 %) расмий ишга жойлашган. Бу тоифадаги аҳолининг қолган қисми, жумладан, меҳнат муҳожирлари ҳам меҳнат бозорининг «соядаги» қисмида қолмоқда [1]. Бинобарин, аҳолининг ярмидан ортиғи, жумладан меҳнат муҳожирлари «хуфёна» меҳнат бозорида бўлиб, иш ҳақини «конвертда» олади.

Афсуски, тадбиркорлар даромадларининг каттагина қисмини «соя»да сақлашини яширмай ҳам кўйдилар, чунки кўпинча ушбу ҳодиса оммавий тус олаётгани, назоратсизлиги ва нобарқарорлиги боис давлат ҳар бир шахсни назорат қилишга, файриқонуний ҳаракатлар ва қонунни четлаб ўтганлик учун маҳсус жазолар қўллашга қодир эмас.

Иш ҳақи – ишчи-ходимга меҳнат шартномасининг шартларига ҳамда меҳнат қонунчилиги талабларига мувофиқ бажарган иши миқдори ва сифати ёки ишлаган вақти учун ҳисобланган рағбатлантириш миқдори. Корхона учун ҳисобланган иш ҳақи, бир томондан – харажат, иккинчи томондан эса тўланиши керак бўлган мажбурият ҳисобланади. Иш ҳақи ишчи-ходимнинг шахсий моддий эҳтиёжларини қондириш учун ишлаб топган даромади ҳисобланади. Иш ҳақи ишчи-ходимнинг меҳнат ҳиссасига мос келиши, ҳеч қандай камситишлариз ва қонунда белгиланган энг кам миқдордан кам бўлмаган миқдорда тўланиши лозим [2].

Меҳнат қонунчилиги иш берувчига ҳар бир ишчи-ходимнинг ҳисобланган даромадларидан давлат бюджетига даромад солиги ва тўловларни амалга ошириш мажбуриятини юклайди, бу эса охир-оқибатда унга катта фойда олиш имконини бермайди. Солик ва ижтимоий тўловлар миқдори ишчи-ходимнинг иш ҳақига бевосита боғлиқ: иш ҳақи қанча кўп бўлса, иш берувчи шунчалик кўп маблағ сарфлаши керак бўлади, шунинг учун сарф-харажатни камайтириш мақсадида иш ҳақи тўлашнинг турли норасмий усулларидан фойдаланилади.

Адабиётларда иш ҳақининг норасмий қисмини ифодаловчи «кулранг», «қора» ва «конвертдаги» иш ҳақи каби тушунчалар учрайди ва бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Иш ҳақини «конвертда» бериш амалиёти янгилик эмас, аммо жараён иштирокчиларининг унга муносабати ҳар хил бўлиб, вақт ўтиши билан ўзгариши мумкин.



«Кулранг» ва «қора» иш ҳақи ҳақида барча хабардор бўлса керак. Кўпчилик иш берувчилар ишга қабул қилиш шартларидан бири сифатида ойлик даромаднинг «рангини» белгилаб, бўлгуси ишчи-ходимга иш ҳақини «конвертда» олишнинг афзалликларини ҳам эслатиб қўядилар [3].

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларида, шунингдек бевосита юридик амалиётда «кулранг» ва «қора» иш ҳақи ҳақида маълумот йўқ. Аммо, бу тушунчалар бизнес амалиётида учрайди ва кундалик ҳаётдан мустаҳкам ўрин олишга ултурган. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида меҳнатга ҳақ тўлаш ҳақидаги нормалар, меҳнатга ҳақ тўлаш кафолатлари, энг кам иш ҳақи, иш ҳақини тўлаш шартларининг ўзгаришлари ва бошқалар, яъни ишчи-ходимга расман иш ҳақи тўлашга оид қоидалар белгиланган [4].

Иш ҳақининг «ранги»га оид фикр-мулоҳазалар даромаднинг қонуний расмийлаштирилиши, барча солиқ ажратмалари ҳамда жисмоний шахс даромадидан келиб чиқиб ҳисобланадиган бошқа мажбурий тўловларни ушлаб қолиш ва ўтказиш борасидаги мажбуриятларнинг бажарилиши билан боғлиқ. Бизнес-амалиётда иш ҳақининг асосан учта «ранги» фарқланади:

«Қонуний» иш ҳақи ишчи-ходимга меҳнат ва солиқ қонунчилиги хужжатлари қоидаларига мувофиқ расмий тўланадиган пул маблағларидир. Меҳнат кодексига мувофиқ, ишчи-ходимни ишга қабул қилиш вақтида меҳнат шароити ва ойлик иш ҳақи миқдори келишиб олинадиган меҳнат шартномаси расмийлаштирилиши шарт [4]. Бунда меҳнат учун ҳисобланган иш ҳақидан солик ва ижтимоий тўловлар тўлиқ олиниб, коррупцияга олиб келувчи ноқонуний ёки норасмий таркибий қисмлар бўлмайди.

«Қонуний» иш ҳақига, ўз навбатида, асосий иш ҳақи, яъни ишланган вақт, бажарилған иш миқдори ва сифати учун ишчи-ходимга ҳисобланадиган иш ҳақи ҳамда қўшимча иш ҳақи, яъни меҳнат бўйича қонун хужжатларида назарда тутилган ишланмаган вақт (навбатдаги таътиллар, боласи бор аёллар ишидаги танаффуслар, ўсмирларнинг имтиёзли соатлари, давлат ва жамоат мажбуриятларини бажарганик) учун тўловлар, ишдан бўшатиш пайтида бериладиган нафакалар ва бошқалар киради.

«Қонуний» иш ҳақи асосан бюджет ва давлат ташкилотлари, корхона ва муассасалар, банклар ва йирик брендга эга хусусий корхоналар ҳамда хорижий инвестициялар киритилган компанияларда амал қиласди.

«Қора» иш ҳақи – «қонуний» иш ҳақининг акси бўлиб, ишга амалда жойлашган, аммо, шунга қарамай, меҳнат шартномаси тузмай ишлаётган ёлланма ишчи-ходимнинг бажарган иши ёки ишлаган вақти учун меҳнат ҳақи унга ҳеч қандай солиқ ажратмаларисиз ҳисобланган рафбатлантириш миқдоридир. «Қора» иш ҳақи тўланганида, одатда ёлланма ишчи-ходим ташкилот штатида умуман ҳисобда турмайди, иш фаолияти унинг меҳнат дафтарчасида расман қайд этилмайди ва меҳнат стажи ҳисобга олинмайди, ҳамда у юридик жиҳатдан ишсиз ҳисобланади ёки айни вақтда бошқа (расман ҳисобида бўлган) ташкилотда фаолият юритади.

Иш берувчилар томонидан иш ўринлари ва ноконуний равища ишга ёлланган ишчи-ходимнинг даромадлари декларацияланмаслиги сабабли у тўла ҳажмдаги ижтимоий кафолатларга эга эмас, шунингдек

одатдаги асосий ва қўшимча иш ҳақи ўрнига келишилганд мунтазам иш ҳажми учун «конвертда» маош олади [5].

Кўпгина социологик сўровлар ва бир қатор тадқиқотлар натижаларининг кўрсатишича, «қора» иш ҳақи кичик тадбиркорлик, чакана савдо, қурилиш, қишлоқ хўжалик ишлари (шахсий томорқа хўжаликлари) муҳитида, кўчмас мулк билан амалга ошириладиган операцияларда («қора» риэлторлар ва уй-жойни ижарага бериш), автотранспорт воситалари ва одам, юқ ташиш, диний ва маросим хизматлари кўрсатиш бозорида, шоу-бизнесда ва катта ҳажмдаги нақд пул маблағлари айланадиган компанияларда кўлланилади [14].

«Кулранг» иш ҳақи – «қонуний» ва «қора» иш ҳақи ўртасидаги оралиқ ҳолат бўлиб, бунда иш ҳақининг бир қисми расман ишга жойлашган ишчи-ходимга тўланади, солиқ ва ижтимоий тўловлар олган расмий ойлигининг ҳажмидан келиб чиқиб ҳисобланади, ишчи-ходим билан меҳнат шартномаси тузилади, унда иш ҳақининг ана шу қисми кўрсатилади. Айни вақтда шартнома бўйича келишилганд соатларга – «расмий» схема бўйича, қўшимча соатларга эса солиқ идораларига эълон қиласдан, «конверт»да нақд пул тарзида тўланади [5].

Таъқидлаш зарурки, иш ҳақи ва ижтимоий тўловлар ҳар қандай ташкилот харажатининг каттагина қисми ҳисобланади, шунинг учун бу сарфларни камайтириш мақсадида иш берувчилар реал меҳнат ҳақи фондининг ҳақиқий ҳажмини яширишга уринишида ҳамда ишчи-ходим билан шартнома тузганида унга энг кам расмий иш ҳақини



тайинлашади. Солиқ ва ижтимоий тұловлар ана шу әнг кам расмий ойлик ҳажмидан ке-либ чиқиб тұланади. Ҳужжатларни таҳлил қилиш ташкилотда, юқорида таъқидлан-ганидек, иш ҳақи кам бүлған ишчи-ходим-лар борлиги ҳақида хулоса чиқаришга им-кон беради. Ушбу ҳолат қонунга зид әмас, аммо шубхаланишга асos бўлади. Амалда маоши кам ишчи-ходимларнинг мавжуд-лиги улардан фойдаланиб, ҳаражатларни камайтиришга қаратилган турли ноконуний чоралардан фойдаланилиши юзасидан тек-ширув ўтказиш учун сабаб бўла олади.

Айрим сўров ва тадқиқотлар натижаларига қараганда, «кулранг» иш ҳақи қурилиш, иирик ва кичик савдо соҳаларида, кўчмас мулк агентликларида, ҳар хил «фри-лансерлик» хизмат турларини, жумладан таълим хизматлари (репетиторлик), тиббий ва косметик хизматлар кўрсатишида энг кўп тарқалган [14].

«Конвертда»ги иш ҳақи иш берувчи билан ишчи-ходим ўртасидаги норасмий муносабат бўлиб, унинг доирасида иш-чи-ходимнинг иш ҳақи иш берувчининг ҳи-сботларида ё умуман акс эттирилмайди, ё қисман акс этади, натижада ишчи-ходим иш ҳақини давлат томонидан белгиланган ижтимоий имтиёзлардан батамом ёки қис-ман яширган ҳолда фойдаланади. Ўз навба-тида, иш ҳақи тўлашнинг мазкур усули ҳар икки томон учун ҳам фойдали ҳисобланади. Иш берувчи ўз пул маблағларини давлат хазинасиға ажратишдан сақлаб қолса, иш-чи-ходим, одатда расмий равишида тўланган тақдирда оладиган маошидан кўпроқ ҳақ олади. Ҳолбуки, баъзи ҳолларда ишчи-ходимда танлаш ҳуқуқи бўлмайди, у ёки “кон-вертда” иш ҳақи олишга рози бўлади ёки акс ҳолда ишсиз қолади. Ушбу чекланишга розилиги билан ишчи-ходим иш берувчи-нинг келажакда қўшимча шартлар қўйиши-га имкон яратади [5].

“Конвертда”ги иш ҳақи номи билан та-нилган ушбу ҳолат республикамиизда кенг тарқалган бўлиб, кўпчилик ҳаётининг у ёки бу босқичида меҳнат фаолиятининг бундай хусусиятларига дуч келади. Ўзбекистон Рес-публикаси молия вазирининг ўринbosари Д.Султонов «Ўзбекистон 24» телеканали-нинг «Тахлилнома» кўрсатуви доирасида ҳозирда кўпчиликка иш ҳақи «конвертда» тўланяётгани, жумладан, аҳолининг чо-рак қисми Меҳнат кодексида белгиланган энг кам иш ҳақини олаётгани ҳамда солиқ тўловчилар ва солиқ идоралари ўртасида-ги муносабатларни ислоҳ қилиш эвазига бу одамлар «соя»дан чиқишлиари, ўз даромад-



ларини шаффоф кўрсата бошлашлари учун ҳаракат қилинаётганини таъқидлаб ўтди [6].

Бизнес амалиётда бундай схемалар иш берувчи билан ишчи-ходим ўртасидаги оғ-заки келишувлар асосида ишлайди. Рас-ман, қонун доирасида оғзаки келишувларга битимларнинг алоҳида тоифаси сифатида йўл қўйса бўлади. Ваҳоланки, бир қанча мамлакатларда оғзаки келишувлар ёзма битимлар билан бир хил даражада муай-ян ҳуқукий оқибатлар келтириб чиқаради. Ушбу ҳолдаги ягона ва асосий шарт шунда-ки, оғзаки келишув борлигини турли далил-лар билан мустаҳкамлаш зарур [7], [8], [9].

Бироқ, иккала томон ҳам иш ҳақига доир маълумотларни қонунга хилоф тарзда ка-майтириб кўрсатиш орқали давлатга тўла-ниши лозим бўлған солиқ ва ижтимоий тўловларни тўлиқ тўламасликка ўзаро ке-лишиб олганлиги боис, оғзаки келишувнинг ушбу тури қонунга хилофdir [10].

Мазкур амалиёт айрим фирмалар то-монидан қийинчиликларни бартараф этиш стратегияси сифатида кўлланилади. Акс ҳолда улар солиқ тўловларининг тўлиқ ҳаж-мини қоплаш учун етарли маблағи бўлмага-нидан иш ўринларини эълон қила олмаган бўларди.

Бундан ташқари, «конвертдаги» иш ҳақи фирмани (ва ишчи-ходимнинг ишини) пул таклифи кутилмаганда камайиб кети-ши билан боғлиқ турли салбий шоклардан (negative demand shocks) ҳимоя қила олади-ган ва иш ҳақи барқарорларини таъминлай-диган молиявий буфер вазифасини бажари-ши мумкин. Бошқача айтганда, фирмалар иш ҳақи ҳаражатларини тезда қисқартириш учун қўшимча имкониятларга эга бўлади, бу эса молиявий қийинчиликлар бошлангани-да оммавий ишдан бўшатишларнинг олдини олишга имкон беради [11].



Айни вақтда, иш ҳақини «конвертда» тұлаш күламлари ўсишининг меҳнатга лаёқатли фуқаролар, табдиркорлар ҳамда бутун жамият учун салбий томонлари ҳам бор. «Конвертда» тұланадиган иш ҳақи хисобга олинмаган нақд пул айланмаси хисобидан тұланади, натижада бир ҳуқукбүзарлық бошқасини көлтириб чиқаради. Иш берувчилар томонидан солиқ ва ижтимоий тұловлар билан боғлиқ харажатларни камайтириш мақсадыда, иш ҳақининг норасмий қысміні (реал меҳнат ҳақи фондини солиқлардан беркитіб) «конвертда» тұлаш, унинг миқдори, олиш тартиби ва муддаты нақонунда, на меҳнат шартномасыда белгиланған бўлади. «Кулранг» пуллар ҳеч кайси ҳисоботларда кўрсатылмаслыги сабабли иш берувчи бу пулларни қаердан олаётгандыгиги ҳеч ким билмайди.

Бу – давлатнинг иқтисодиёти ва молиявий тизими учун ҳақиқий муаммо, чунки иш берувчилар ўзларининг меҳнат бозоридаги «хуфёна» фаолияти натижасыда олган даромадларини давлатнинг тегишли органла-

ридан яшириши, солиқ ва бошқа ижтимоий тұловларни тұламаслығы оқибатида давлат бюджетига тушиши лозим бўлган миллиардлаб маблаглар йўқолиб кетади. Агарда жамият аъзолари ўз иқтисодий фаолиятини тегишли тарзда расмийлаштириб, олган даромадлари асосида белгиланған солиқ ва бошқа тұловларни ўз вақтида амалга оширасалар, давлат жамиятда мавжуд муаммоларни тез ва самарали ҳал этиш ва муҳим ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш имкониятига эга бўлади. Ушбу муаммолар жумласига иш ҳақи ва нафақалар ҳамда бошқа трансферт тұловларини ўз вақтида бериб, уларнинг миқдорини мунтазам кўпайтириб бориш, жамиятнинг ижтимоий химоя тизимини такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш, таълим, соғлиқни сақлаш, илмий тадқиқотлар ва бошқа зарур соҳаларни етарли даражада молиялаштириш кабиларни киритиш мумкин [12].

Бундан ташқари, яширин фаолият асосидаги ишлаб чиқариш жараённанда меҳнат шароитининг ёмонлашуви ишчи кучи сифатининг ва меҳнат унумдорлигининг пасайишига ҳамда сифатсиз маҳсулотларнинг кўпайишига сабаб бўлади. Шунингдек, жамият аъзоларининг даромадларини тўлиқ ҳисобга олиш имкони бўлмайди. Бу эса давлатнинг мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришга йўналтирилган иқтисодий сиёсатини чалғитади. Давлат юритадиган иқтисодий сиёсати, ишлаб чиқилган турли ижтимоий дастурлар мамлакат аҳолисининг фаровонлигини оширишга қаратилади. Ушбу мақсадларда режалаштириладиган харажатлар давлат бюджети ҳисобидан ажратилилар экан, асосий юқ ҳалол йўл билан расмий фаолият юритаётган иш берувчилар зиммасига тушади.

Расмий фаолият кўрсатувчи иш берувчилар солиқ ва бошқа ижтимоий тұловларни амалга ошириши ҳисобига норасмий фаолият олиб борувчиларга қараганда кўпроқ харажатларга йўл кўйишади. Бу эса уларнинг рақобатбардошлигига салбий таъсир кўрсатади ва ноҳалол рақобат мухитида юзага келган «тengsизлик» оқибатида улар

**Бошқалардан афзал
бўлишини эмас, аввалги
ҳолингдан афзалроқ
бўлишини хоҳла! Ақл-
лар бошқалар би-
лан машғул бўлганда
кичрайиб, ўз соҳиби
билан машғул бўлганда
катталашади.**

Вилям ШЕКСПИР

етарли фойда олмайдилар. Натижада ҳалол равишда расмий фаолият күрсатаётган иш берувчилар ўз фаолият йўналишларини ўзгартиришга ёки ҳеч бўлмаганда қисман ноконуний ва норасмий қоидалар асосида яшаб қолиш имкониятини танлашга мажбур бўладилар. Оқибатда норасмий иқтисодий фаолият кенгайиб, жамият ва давлат томонидан қабул қилинган қонун-қоидаларга зид келувчи, хуфёна тартиб-қоидалар келиб чиқа бошлайди. Шу боис ҳукумат ҳозирги вақтда меҳнатга ҳақ тўлашга оид норасмий келишувларга қарши фаол кураш олиб бормоқда [11], [12], [13].

«Қонуний» иш ҳақининг афзаллиги. Аксарият иш берувчиларни расмий иш ҳақи тўлашга ундовчи асосий рафбат маъмурӣ ва жиноят қонун ҳужжатларининг нормаларига риоя этишдир. «Қонуний» иш ҳақи тўланганида ишчи-ходимлар учун қўйидаги фойда ва афзалликлар мавжуд [12], [14], [15].

Рафбат (мотивация). Қонуний тартибда расмий схемалар орқали ҳақ тўланган иш самаралироқ бўлади, чунки ишчи-ходим меҳнат қонунчилиги ва меҳнат муҳофазаси меъёрларидан тўлиқ фойдаланади ҳамда давлат томонидан қонуний ҳимояланганини сезади. «Конвертдаги» иш ҳақи эса буни кафолатлай олмайди.

Ижтимоий қўллаб-куватлаш ва имтиёзлар. Ижтимоий тўловлар, масалан, ҳақ тўланадиган меҳнат таътили ва ундан фойдаланмаганлик учун компенсация, ҳомиладорлик ва туғиша нафақалари, касаллик учун бериладиган нафақалар ва бошқа ижтимоий тўловлар ишчи-ходимнинг расмий ойлиги ҳажмидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Кредит муассасалари хизматларидан фойдаланиш. «Қонуний» иш ҳақи олиб ишловчи ишчи-ходим кредит олишда муаммога дуч келмайди, чунки унинг даромадлари барча жамғармаларда қайд этилади. «Конвертдаги» иш ҳақи олинганида эса бу борада муаммолар юзага келиши мумкин.

Пенсия таъминоти. Бу омил кўп ҳолларда ҳал қилувчи ўрин тутади. Ишлайдиган фуқаро келажакда оладиган пенсиясининг микдори бевосита Пенсия жамғармасига тўланган суғурта бадаллари (2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун) ва ягона ижтимоий тўлов (2019 йил 1 январдан кейинги давр учун) микдорига боғлиқ. «Хуфёна» фаолиятда банд бўлган давр меҳнат фаолияти даврига киритилмайди, «конвертда» иш ҳақи олаётган шахс келажагини ўйламаган ҳолда қўлига олаётган пулни дарҳол кўпайтиришга ҳаракат қиласди ва бу билан ўзини пенсия жамғармаларининг катта қисмидан маҳрум этган ҳолда қарилек

нафақаси учун замин яратмайди. Иш қобилиятини йўқотиб, қарилек даври келганда етарли даромадга эга бўлмаслик оқибатлари яхшиликка олиб келмайди.

Давоми кейинги сонда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. «Конверт»ми ё пенсия? Танланг! [Электрон ресурс] URL: <https://www.facebook.com/Soliqpressa/>, (мурожаат этилган сана: декабрь 2018 йил)
2. Большой юридический словарь. — М.: Инфра-М. А.Я. Сухарев, В.Е.Крутских, А.Я. Сухарева. 2003. [Электрон ресурс] URL: <https://dic.academic.ru/dic.nsf/lower/14838> (мурожаат этилган сана: декабрь 2018 йил, рус тилида)
3. Серая зарплата – ответственность работника и работодателя. [Электрон ресурс] URL: <https://delatdelo.com/organizaciabiznesa/seraya-zarplata-otvetstvennost-rabotnika-i-rabotodatelya.html> (мурожаат этилган сана: январь 2019 йил, рус тилида)
4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси. [Электрон ресурс] URL: <http://www.lex.uz/acts/142859> (мурожаат этилган сана: январь 2019 йил)
5. European Commission. Undeclared work in the European Union. 2014. Online at: http://ec.europa.eu/commfrontoffice/publicopinion/archives/ebs/ebs_402_en.pdf
6. Пополнять бюджет планируется за счет легализации работников, так как сейчас очень много зарплаты в конвертах. [Электрон ресурс] URL: <https://www.spot.uz/ru/2018/11/06/salary/> (мурожаат этилган сана: январь 2019 йил, рус тилида)
7. Chavdarova, T. (2014). «Envelope wages» Paper presented at the States and States of Informality Conference, Sofia.
8. Williams, C.C. (2009). Formal and informal employment in Europe: Beyond dualistic representations // European Urban and Regional Studies 16:2 (2009): 147–159. URL: <https://journals.sagepub.com/doi/pdf/10.1177/0969776408101686> (мурожаат этилган сана: декабрь 2018 йил, инглиз тилида)
9. Williams, C.C., Horodnic, I.A. (2015). «Explaining and tackling envelope wages in the Baltic Sea region» Baltic Journal of Management 10:3: 295–312. URL: <https://www.emeraldinsight.com/doi/full/10.1108/BJM-10-2014-0153> (мурожаат этилган сана: декабрь 2018 йил, инглиз тилида)
10. Williams, C.C., Horodnic, I.A. (2015). Evaluating the prevalence of the undeclared economy in Central and Eastern Europe: An institutional asymmetry perspective // European Journal of Industrial Relations 21:4 (2015). [Электрон ресурс] URL: <https://journals.sagepub.com/doi/pdf/10.1177/0143831X14568835> (мурожаат этилган сана: январь 2019, инглиз тилида)
11. Horodnic I.A.(2016). Cash Wage Payments in Transition Economies: Consequences of Envelope Wages. IZA World of Labor. [Электрон ресурс] URL: <http://dx.doi.org/10.15185/izawol.280> (мурожаат этилган сана: январь 2019, инглиз тилида)
12. Хуфиёна иқтисодиётнинг давлат ва жамият тараққиётига таъсири. [Электрон ресурс] URL: <http://www.biznes-daily.uz/ru/birjaexpert/49558--xufiyona-iqtisodiyotning-davlat-va-jamiyat-taraqqiyotiga-tasiri> (мурожаат этилган сана: январь 2019)
13. Andrews D., Sánchez A.C., Johansson Å. (2011). Towards a Better Understanding of the Informal Economy. OECD Economics Department Working Papers, No. 873, OECD Publishing. [Электрон ресурс] URL: <https://doi.org/10.1787/5kgb1mf88x28-en> (мурожаат этилган сана: январь 2019, инглиз тилида)
14. Аналитический доклад «Неустойчивая занятость в Узбекистане: состояние, проблемы и пути их решения» в рамках проекта Программы развития ООН «Поддержка стратегических исследований в целях устойчивого развития» (2018). [Электронный ресурс] URL www.uz.undp.org/content/dam/uzbekistan/docs/un_uzb_employment_in_uzbekistan_report.pdf (мурожаат этилган сана: январь 2019, рус тилида)
15. Какова ответственность работодателя за выплату серой зарплаты. Электронный журнал бухгалтера и предпринимателя «Ассистентус». [Электрон ресурс] URL: <https://assistentus.ru/oplata-truda-seraja-zarplata/> (мурожаат этилган сана: январь 2019, рус тилида)

“У ВИЖДОНЛИ ВА ПОК БЎЛСА, ЖАМИЯТДА ҲАҚИҚАТ ҖАРОР ТОПАДИ”



Суҳбатдошимиз Отабек МУҲАММАДИЕВ
1984 йилда таваллуд топган. Тошкент давлат юридик университетининг бакалавр ва магистратура босқичларини тамомланган. 2017 йилнинг октябрь ойидан бошлаб Тошкент вилояти Тошкент тумани жиноят ишлари бўйича суди судьяси лавозимида фаолият юритиб келади.

— Отабек, сиз ёш судьяларимизданисиз. Келинг, аввало судьялик мақоми ҳақида гаплашсак. Сиз учун судья ким – уни қисқа қилиб таърифлай оласизми?

— Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан айтилган Судьянинг онгида адолат, тилида ҳақиқат, дилида поклик бўлиши кераклиги ҳақидаги фикрнинг ўзида уларга қўйилган талабларнинг аниқ ифодаси мужассам, деб ўйлайман.

“Қонун тилсиз судья, Судья эса гапираётган қонун”, деган ҳикматли гап бор. Ш.Л.Монтескье эса, “бирор мамлакатга борсам, қонунни эмас, унга амал қилинишини ўрганаман ва баҳо бераман, чунки чиройли қонунлар ҳамма жойда бор”, деган эди. Қонуннинг тўғри кўлланилишида эса судьяларнинг масъулияти жуда юқори. Чунки барча касбдаги инсонлар ўз вазифасини бажариб, жамият тараққиётига фаол таъсир кўрсатса, судьялар ушбу тизимдаги мавжуд ҳатолар, ҳукуқбузарликлар ва низоларни ҳал этиш билан шуғулланади.

Судьялар қасамёдида шундай дейилади: «Зиммамга юқлатилган вазифаларни ҳалол ва вижданан бажаришга, одил судловни фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширишга, судьялик бурчим ва виждоним буюрганидек беғараз, холис ва адолатли бўлишга тантанали қасамёд қиласман». Аммо 2008 йилдан бўён Судлар тизимида фаолият юритиб келар эканман, ҳалол, вижданан, фақат қонунга бўйсунган ҳолда, беғараз, холис ва адолатли судья бўлиш, иш фаолиятида қонуний, асосли ва адолатли қарор чиқариш жуда оғир, машақкатли эканлигини ҳамда чексиз сабр талаб қилишини англадим.

Судья ким ва жамиятда қандай вазифа бажаради деган масалада устозларим билан бир неча марта сұхбатлашиб, шунга амин бўлдимки, улар жамиятда ҳуқуқ ва мажбуриятларга оид нормалар бажарилишининг кафили бўлиб ишлайдилар. Яъни, агар судьялар ҳалол, вижданли ва пок бўлса, у жамиятда ҳақиқат букилмайди, судьялар ҳуқуқий ва қомусий билимли бўлсалар, хеч ким қонундан гараз мақсадда фойдаланиб, хеч нарсани яшира олмайди.

Судья тарафларнинг тенг музокарасини таъминлашда хатоликка йўл қўйса, ишнинг ҳал этилишидан заррача манфаатдор бўлса, гарчи қарори қонуний бўлса ҳам унинг ҳаракатлари судьялик шаъни, мустақиллиги ва обрўйига путур етказади, деб ўйлайман. У ўз ойлик иш ҳақини бажарган ҳалол хизмати эвазига фақат ўзи, оиласи, моддий-маънавий юксалиши учун сарфлаши керак, менимча. Агар судьянинг хизмат харажатлари ортиб борса ва ойлик иш ҳақи микдоридан ошиб кетса, вазият унинг нафсини жиловлай олиши, иродаси ва сабрига боғлиқ бўлиб қолади. Бу эса ёш судьялардан ўзининг маънавий дунёсини бойитиш лозимлиги, тизим раҳбариятидан судьяларга хизмат харажатларининг ойлигидан эмас, фақат Департамент хисобидан 100 фоиз хисобда қопланилишида амалий ёрдам бериш масаласини кўриб чиқиш сўралади. Бу масаланинг қанчалик долзарблигини билиш учун ҳар куни судьялар дуч келадиган молиявий, моддий-техник масалаларга эътибор қаратишимиш лозим, деб ўйлайман. Бир қараганда, аҳамиятли кўринса-да, судьянинг иш ҳақи хисобидан куйидаги харажатларни қоплаб бўлмайди:

- суд биносининг камера билан таъминланмаганилиги,
- коммунал хизматлар кўрсатилишининг даражаси пастлиги,
- бино, ходим ва ишлар хавфсизлиги,
- биноларда қўриқлаш, кутиш, қабул, ҳимоячи хоналарининг етишимаслиги, талаб даражасида эмаслиги,
- бино, суд заллари ёритилиши, таъмирланиши,
- бинонинг иситиш, совутиши ва санитар тизимидағи таъмирлаш, саклаш ҳаражатлари,
- интернет ва алоқа тизими хизматлари сифати,
- компютер, операцион, функционал ва антивирус дастурлари, принтер, картридж, барабан, вал, ксерокс, пилот, Юпс, локал тармоқ таъмири ва етишимовчилиги,
- почта, транспорт, обуна, сайёр мажлис ва таргигботларнинг транспорт ҳаражатлари, ходимларнинг кундалик ижтимоий ҳимояси ва бошқа жорий ҳаражатлар.

Бир фуқаронинг ҳуқуқини чеклаш ёки мажбурият юклаш вазифаси судьяга юклатилган экан, аввало судья ўзини ўша шахс ўрнига қўйиши, қолаверса, жабрланувчи ҳолатини ҳам ўзида хис этиши лозим.

Хуллас, судья ҳалол, пок, вижданли, қомусий билим соҳиби, мушоҳадали, холис, бегараз, ташаббускор, мустақил ва метин иродали инсон бўлиши керак деб ўйлайман.

— Судья учун энг муҳим фазилат қайси?

— Бир мuddат Олий судда ходим сифатида ишлаган бўлсан-да, туман судида судьялик фаолиятимни бошлагач, икки идора ўртасидаги жиддий фарқни англадим. Қасамёд қабул қиласи экансиз, иш қўришни бошлагач, қасамёдингизнинг ҳар бир сўзини амалда қўллаш қанчалик қийинлигини англайсиз. Менимча, судьядан юқоридагилар билан бирга, яна қўйидагилар талаб қилинади:

- инсонийлик,
- ҳалқпарварлик,
- социологик тарафдан, кенг жамоатчиликдан яширинмасдан, унинг муаммолари билан яшаш, қонунчилликдаги бўшлиқдан ўзининг ёки бошқаларнинг манфаатида фойдаланмасдан ёки муаммони ўз ҳолига ташлаб кетмасдан, инсонпарвар ечим топган ҳолда келгусида қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан Олий суд ва Судьялар олий кенгашига ташаббус ҳуқуқидан фойдаланишини сўраб қатъий ва асослар билан мурожаат қилиш,
- фидойилик,

— ҳар қандай ижтимоий ёки молиявий муаммоларни бартараф этишда қонуний ечимни топиб, ҳаракатланиши бир пайтнинг ўзида, ўзи ва қўл остидагилари томонидан гаразли ёки манфаатли ечимлар топилишига ўйл қўймаслик.

— Инсон хато қилмасдан иложи йўқ. Касбингизга оид бирон-бир камчиликка йўл қўйганимисиз?

— Ҳар бир одам ўз устида ишлаб, улғайди ва аввалги хатоларини келгусида тақрорла-масликка ҳаракат қиласи. Энг асосийси, ҳукм мазмуни адолатсиз ёки шахс ноҳақ айбли деб топилмаслиги ёки номувофиқ жазо тайинлан-маслиги керак.

Мен томонимдан чиқарилган қарорлар юқори инстанцияларда бекор қилинмаган бўлса-да, 2 нафар шахсга оид ишлар ўзгартирилган. Бунда Жиноят кодексига таяниб иш қўрилганлиги, аммо жиноят ишлари бўйича судлар фаолиятига оид Олий суд Пленуми Қарорлари талабларига баъзан риоя қилинмаганини кўрсатилган.

— Умуман, виждан азобига йўлиқканмисиз?

— Ҳа, баъзан ЖК 223-моддалари билан судланган шахсларга оид ишларни кўришда. Оиласи учун пул топиш мақсадида хорижга чиқсан ва фирибгарларга дуч келган, паспортини йўқотган фуқароларимизнинг чегара тартибини бузиб ўтишига оид ишларни кўришга тўғри келади. Фуқаролар томонидан содир этилган ҳаракатларнинг жиноят эканлиги барча иш ҳужжатлари билан исботланса-да, фуқаронинг ҳуқуқий саводсизлиги, қасд ҳам, эҳтиётсизлик ҳам қилмаганини сезган ҳолларда, хориждаги ватандошларимизнинг ижтимоий муҳофазасига оид муаммолар мавжудлиги аникланади ва бунга кенг жамоатчиликнинг эътибори қаратилиши лозимлиги сезилади. Бу масалада суд томонидан ОАВларида чиқишилар қилинди, юқори судларга таклифлар билдирилди ва яқин орада ҳуқуқий-ташкилий ечими кутилмоқда. Балки бу ҳаракатларнинг ижтимоий хавфи камроқ саналса, МЖтК доирасига ўтказилишига оид таклифлар маъқулланади, деган умиддамиз.

Баъзи жиноятлар бир хил усулда бир-бирини танимайдиган шахслар томонидан ҳар хил вақт ва жойда кетма-кет содир этилишининг ўзи ҳам мазкур соҳада ташкилий ва қонунчилик тарафидан зудлик билан ҳал этилиши кутилаётган муаммолар мавжудлигини англатади.

Масалан, туманимизда кўрилган ишларнинг 50 фоиздан ортиги айнан бир хил тоифадаги – ишсизлик сабабли ёки моддий даромад мақсадида хорижга чиқкан шахсларнинг ноқонуний йўллар орқали Ўзбекистонга қайтиши билан боғлиқ. Демак, аҳолининг даромад манбалари ни кўпайтишимиз, иш ўринлари яратишимиш керак. Аҳоли харид қобилиягининг бозорда мавжуд товар, хизмат нархига мутаносиб эмаслиги ҳам бор гап. Биз эса, хукукий тарғибот ва тушунтириш ишларини янада фаол амалга оширишимиз лозим.

— Касбингизга оид фикрларингиз.

— Биз ёшлар “Бутун дунёда адолатпарвар ва фидойи ходимлардан, судьялардан иборат суд тизими бу Ўзбекистондаги суд ҳокимиияти – ҳар қандай коррупцион элементдан ҳоли тизим”, деган ёки “Ўзбекистондаги суд ҳокимиияти – ҳар қандай коррупцион элементдан ҳоли тизим”, деган кўрсаткичлар билан жаҳон миқёсида тан олинишига эришиш учун етарлича изланаяпмизми, ўз фаолиятимизни етарлича танқидий таҳлил қиласиляпмизми?

Менимча, бундай мэрраларни ўз олдимишга кўйиш учун бизнинг тарихий асосларимиз мавжуд. Миллий давлатчилигимизнинг бир неча минг йиллик тарихга эгалиги, юртимиздан буюк мутафаккирларнинг етишиб чиқсанлиги, ўрта асрларда ёк Шарқ маданиятининг устунлари сифатида математика, сув хўжалиги, араб тили грамматикаси, астрономия, тиббиёт, адабиёт, география ва тарих фанларининг ривожи юксалишида ҳисса қўшган шахслар бизнинг бо боларимиз эканлигининг ўзи нақадар улуғвор ишларга қодирлигимиздан далолат беради. Ўйлайманки, бизнинг имкониятларимиз ва салоҳијатимиз етарли.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам хукуқни муҳофаза қилувчи органлар қаторида судлар фаолиятидаги муаммоларга яна бир бор тўхталиб ўтилди.

Президент томонидан жиноятчиликни таъқиб қилиш, жазолашдан кўра, бир қадам олдинда бўлиш талаб этилди. Яъни жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва жиноятчилик сабабларини бартараф этиш орқали унга замин ва асос қолдирмаслик лозимлиги таъкидланди.

Ёш хукуқшунос – судья сифатида айтишим мумкинки, бизда жиноятчиликни кескин камайтиришнинг имкони мавжуд.

Масалан, шахсий тажрибамга кўра, туман судида кўрилаётган ишлар, келиб тушган мурожаатлар ўрганилганда, фуқароларнинг жуда кам қисми судлардан норозилиги аниқланди. Ҳатто битта инсон суддан норизо бўлса, биз жойимизда тинч ўтиришга ҳаққимиз йўқ

Айни вақтда, рухсат берсангиз, судьяларда мавжуд ижобий хусусиятларга ҳам тўхталсан.

Судьялар ҳамжамиятида шундай судьялар ҳам борки, улар билан фахрланишимиз ва керак бўлса, иш услубини намуна сифатида олишимиз лозим. Мен айнан кимлигига тўхталмайман, бироқ ҳар бир вилоятдаги жамоаларда шундай судьялар мавжуд, баъзилари эса оламдан ўтган. Менимча, бундай судьяларни ўз вақтида аниқлашимиз ва уларни маънавий-моддий жиҳатдан рағбатлантириш билан бирга, амалиётидан намуна олишимиз лозим. Бундай судьяларни аниқлашда эса, қуидаги параметрларни ёхуд мезонларни таклиф қиласан: иш ҳажми кўп судьялар, қарори ўзгармаган ёки кам ўзгарган судьялар, энг кўп ва энг мазмунли тарғибот, хусусий ажрими бор, педагогик-илмий фаолият билан шуғулланган судьялар, яхши шогирдлар етиштирган судьялар, 10 йилдан ортиқ даврда судьялик ва суд тизими шаънига дот туширмасдан ҳалол ва вижданон ишлаб келаётган судьялар.

— Хукмингиз ҳамиша инсон тақдирига дахлдор. Хукм қилган кишиларингизга ачинказими?

— Айниқса, вояга етмаганлар, аёллар, пенсия ёшидагилар ва оила ичидан содир этилган жиноятларга оид ишларни кўриш ва қарор чиқариш мураккаб жараён.

Хукукий тушунчаси бўлмасдан, англамасдан содир этган жиноятларда ҳам бу жиноятнинг олдини олиш мумкин эди, деб ўйлаб, изтиробга тушганим рост.

— Барча соҳаларда ҳам касбига дот туширувчилар учраб туради, жумладан, судьялар орасида ҳам. Уларга муносабатингиз қандай?

— Бир неча марта барча ихтисосликдаги судлар судьялари, суд ходимларининг пора билан боғлиқ ҳолатларда ушланди ва уларнинг барчаси қонун доирасида жавобгарликка тортилди. Лекин ушбу ҳолатларнинг тез-тез тақрорланиши тизимли муаммонинг мавжудлигини англаради.

Бир судьянинг судьялик мақомига эришиши жуда узок кутилган жараён.

Мазкур ҳолатларда судьялар ва суд ходимлари шахсининг, хулқининг салбийлиги асосий сабаб деб кўрсатилмоқда, лекин уларнинг 18 ёшгача олган моддий ва маънавий таъминоти, олий таълимдаги сарф-харажатлар, ўн йиллаб суд ва бошқа органларда олиб борган хизматлари, оиласининг таназзулга юз тутиши, келажакда уни кутаётган ишсизлик, суд тизимига келаётган салбий баҳолар ва ишончсизлик доим ҳам эътиборга олинмайди.

Тўғри, биз қайсиdir судьянинг ёки ходимнинг пора олишини ва жавобгарликка тортилишини эшлишимиз мумкинdir, аммо бу ҳолат суд тизими учун энг охирги ҳолат бўлиши ва

келгусида тақорламаслигини таъминлашимиз лозим.

Мен қўйидагича таклиф билдираман:

хеч бир судьянинг хизмат вазифасини бајариш жараёнида пора олиш, фирибгарлик қилиш, пора олди-бердисида воситачилик қилиш ёки хизмат вазифасига оид бошқа жиноятни содир этгунига қадар кутиб турмаслик керак. Унинг ножӯя хатти-ҳаракатлари аниқланган ва хулқидаги файриахлоқий ҳаракатлар тузалмайдиган даражага етиб келганилиги ҳақида хulosса тузилиши ва тасдиқланиши натижасида, Судьялар олий кенгашида мазкур судьяни қўйи вазифага ўтказиш ёхуд ваколатини муддатидан олдин тугатиш чораларини кўриш лозим.

Мақсад: биринчидан, суд тизимидағи ножӯя хатти-ҳаракатли судьялар сони камашига эришилса, иккинчидан, судьялик шаънига тушириладиган доғнинг ва оғир оқибатларнинг олди олинади, учинчидан, ўзининг хулқида суд тизимида ишлаш қобилияти йўқ бўлган шахсларнинг бошқа соҳаларда фаолият юритиб, ўзининг характеристери ва хулқига мос фаолият билан шуғулланишига, ўзининг касбий ҳаётини шахсий нуқсонларини камайтирган ҳолда янгидан бошлашига имкон яратилади.

— Нима учун бу касбни танлагансиз? Бирон нарса туртки бўлганми?

— Аввало мамлакатда олиб борилаётган исплоҳотларда фаол иштирок этиш, одил судловни амалга оширишда ўз ҳиссамни қўшиш мақсадида шу касбни танлаганман.

Бундан ташқари, адашган, жиноят содир этиб, жамият тараққиётига қарши бораётган шахсларни тўғри ўйлга қайтариш, мамлакат тараққиётига ва аҳоли фаровонлигига ҳамманинг ҳисса қўшишини таъминлаш, эл-юрт корига яраш мақсадида ҳам шу соҳага кирганман.

Менимча,adolatli суд тизими ҳар бир соҳанинг мукаммал ривожланишига кўпrik ва кафолат белгиси бўлиб туради.

— Суд тизимининг келажагини қандай тасаввур қиласиз?

— Олиб борилаётган исплоҳотлар суд тизимининг мустақиллиги, шаффоғлигини таъминлашга қаратилган. Тизимда барча қулийклар яратиб берилган. Биз ёшлардан эса фақатгина фаол ишлаш ва мавжуд муаммоларни бартараф этишга оид лойиҳаларни ишлаб чиқиш орқали тизим келажагига ҳисса қўшиш талаб қилинади.

Ҳар қандай тизимда муаммоли ёки ҳал этилмаган масала бўлиши мумкин, бироқ буни ўз вақтида англаб, қонуний тартибга солувчи нормасини аниқлашимиз зарур, агар бундай норма мавжуд бўлmasa, раҳбариятга таклиф билан

мурожаат қилишимиз лозим, деб ҳисоблайман. Лекин ҳеч биримиз мавжуд муаммони асос сифатида келтириб, коррупцияга йўл қўйиб беришга ҳаққимиз йўқ ва бу кечирилмайдиган хато деб ўйлайман.

Дастлаб ишга кирганимда, устозларим бир ривоят айтиб беришганди. Ривоятга кўра, бир раҳбар олдига кечки оқшом дўсти сұхбатлашмоқчи бўлиб кириб келади ва у иш столидаги шамни ўчириб, бошқа бирини ёқади. Ажабланган дўстининг берган саволига, “биринчи шам иш учун ажратилган, унинг ёруғида фуқароларнинг мурожаатини ўрганаяпман, кейинги шам эса ўз иш ҳақимга олинган, сен билан ўзаро кундалик майший масалаларда сұхбатлашмоқчиман, сен билан сұхбатга иш жойимдан ажратилган шам ёруғидан фойдаланолмайман”, деганилигида улкан маъно бор. Ўйлайманки, ҳар бир ёш давлат хизматига ишга киришар экан, мана шундай виждан ва садоқат билан қадам қўйиши лозим.

— Бадий адабиётга муносабатангиз қандай?

— Бадий адабиёт аввало дунёқараш кенгайишида ва шахснинг ўзини англашида юксак роль бажаради. Чунки катталарга тақлид, уларнинг ижобий хусусиятларидан олиш ва салбий иллатлардан ўзини асраш жараёни ёшлар онгининг шаклланишида бадий адабиётсиз юзага келмайди.

Бироқ ишларни кўришда ва ёшлар билан мулоқотда китобга қизиқишининг жуда ҳам пасайянлиги ва бунинг ўрнини “оммавий маданият”, интернет, ижтимоий тармоқлар эгаллаганлиги, виртуал оламнинг ёшларга салбий таъсир кўрсатганлиги кузатилмоқда.

Менимча, бир кун китоб ўқимаган шахс фикрлашдан тўхтайди. Масалан, мен Қошварий, Навоий, Бобур, А.Қодирий, Чўлпон, Беҳбутий, П.Қодиров, А.Қаҳҳор, Ф.Фулом, С.Аҳмад, Х.Тўхтабоев, Т.Малик, Шукурилло, Ў.Хошимов, Ш.Бошибеков, А.Йўлдошев, Э.Воҳидов, шунингдек, хориж адабиётидан хукуққа оид Монтеске, Бекон, И.Кант, бадий адабиётга оид А.Несин, Р.Тҳокур, Ч.Айтматов, Ю.Семёнов, Г.Маркес, М.Плюзо каби муаллифларнинг асарларини ўқиб, ўзимга жуда катта маънавий озиқ олганман. Ҳар куни қайсиdir бир асарда кўтарилиган муаммога дуч келиб, қийналмасдан ечим топганимда мазкур муаллифларнинг ижодидан миннатдор бўламан. Баъзан ёшларимиз билан сұхбатда, сайёр судларда “Ўткан кунлар”, “Кеча ва кундуз”, “Юлдузли тунлар”, “Урушнинг сўнгги курбони”, “Чўқинтирилган ота” ёхуд “Шайтанат”ни ўқиганида шу жиноят кўchasига кирмасмиди, мустақилликнинг ва тинчликнинг, ота-онасининг ўзуд оиласиую-фарзандларининг қадрига етармиди, деб ўзимга савол бераман.

Набижон ЖАЛОЛОВ сұхбатлашди.

**Камол Намозов,**

Фуқаролик ишлари бўйича
Каттақўргон туманлараро
суди раиси

ҲАР БИР БУЗИЛГАН ОИЛА ЖАМИЯТДА ДАРЗ ҲОСИЛ ҚИЛАДИ



Бундан ўн-ўн беш йил аввал ҳам оиласи бузилган эркак ёки аёл кўча-кўйда боши хам бўлиб юрарди. Атрофдагилар ҳам уларга ачиниш назари билан боқарди. Бугунчи?

Оиланинг муқаддас ришиналари узилишига оддийгина ҳолдек қаралмоқда. Кўплар учун оиланинг бузилиши, муқаддас Ислом динида айтилгани каби, аршини ларзага келтирувчи воқеа сифатида ўз моҳиятини йўқотиб бермоқда. Бу эса жамиятда оиласавий ажрим деб аталган дарзининг тобора катталашиб боришига сабаб бўлмоқда.

Фикримизнинг далили сифатида давлат статистика қўмитасининг маълумотларини келтирамиз. Ўтган 2018 йилда Ўзбекистонда 311,4 мингта янги оила тузилгани ҳолда, ФХДЁ органлари томонидан 32,3 мингта никоҳдан ажралиш ҳолатлари қайд этилган. Никоҳдан ажралишлар вилоятлар кесимида ўрганилганда, Тошкент шаҳри 4,3 мингта билан рўйхатнинг 1-ўрни, Андижон вилояти 4,2 минг билан 2-ўрни, Самарқанд вилояти эса 3,7 минг билан 3-ўрнини банд этиган.

Агар диққат қилинадиган бўлса, вилоятларда ҳам оиласавий ажримларнинг энг катта улушлари айрим ҳудудларгагина тўғри келади. Қуйида Самарқанд вилоятидаги энг кўп оиласавий ажрим қайд этилган ҳудуд — Каттақўргон тумани мисолида оила, никоҳ муносабатларини таҳлил этамиз.

Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-куватлаш “Нуроний” жамғармаси, Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш кенгаши, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Каттақўргон тумани бўлимлари ва туман хотин-қизлар қўмитаси ўтрасида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш соҳасида ўзаро ҳамкорлик шартномаси имзоланди. Аҳоли ва жамоаларнинг кўпчиллик қисмини қамраб олиш, судга мурожаат қилган фуқароларга қулайликлар яратган ҳолда одамларни ташвишга солаётган дол зарб масалалар бўйича очик мулоқот ўтказиш, ёшларга тарбиявий таъсир кўрсатиш ва шу орқали содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга эришиш мақсадида 2839 та фуқаролик ишлари сайдер суд мажлисларида кўриб чиқилди.

Никоҳдан ажратиш билан боғлиқ ишлар бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорлари сони ФИБ Каттақўргон туманлараро судида 2018 йилда (4 та туман бўйича) жами 1418 тани ташкил этиган бўлиб, шундан 580 та иш бўйича никоҳ бекор қилинган. Жумладан, туманда никоҳдан ажратиш билан боғлиқ ишлар бирмунча (192/184) камайган бўлса-да, Каттақўргон шаҳри (140/111), Нарпай (110/111), Пахтачи (96/111) туманларида кўпайғанлиги ачинарлидир. Шу ўринда 97 та фуқаролик ишлари, шундан 74 таси тарафлар ўзаро ярашганликлари

сабабли иш юритишдан тұхтатилганини таъкидлаш лозим.

Үзбек халқы азалдан оиласпарвар. Бу әлімизнің оламга күз-күз қылғулік асо-сий фазилатларидан биридір. Юқори-даги рақамларни күриб, қалбингіда оғир бир тошни хис қиласан: наҳотки кейінгі авлодларымыз ушбу гүзәл фазилатдан бебаҳра қолсалар? Ахир 580 нафар ажраш-ған әр-хөтіннің орқасыда тирик етім бўлаётган болалар қанча экан?! Уларнинг тарбияси, келажаги нима бўлади?! Маҳал-ла фаоллари, имому отинойилар, ёшлар иттифоқи вакиллари, ота-оналар қаёққа қараашмоқда?! Элим деган бирон киши бу ҳолга бефарқ қараб туриши мумкин эмас-ку! Қолаверса, бу битта туманга таалуқли рақамлар. Агар уларни вилоят, республика миқёсида хисобласақ, ҳар ҳолда қувонти-радиган натижага гувоҳ бўлмаймиз. Демак, мазкур масала дўппуни бошдан олиб, астойдил ўйлайдиган, ечим топилиши за-рур бўлган катта муаммодир.

Никоҳдан ажратиши бўйи-ча судга мурожаат қилишлар таҳлил қилинганда, оила-вий келишмовчилик, моддий жиҳатдан қийналғанлик, фар-зандсизлик, қайнона-келин му-носабатлари, спиртли ичим-ликларни истеъмол қилиш ва минг афсуски, келин билан куёвнинг бир-бирига ишонч-сизликлари сабаб бўлаётган-лиги аниқланган. Мундоқ ўйлаб қаралса, буларнинг бари ақл билан ҳал этиши мумкин бўл-ған масалалар. Зоро исломий ва дунёвий никоҳ шунчаки күн-гилхушлик учун тузилмайди. Ўртада Оллоҳга бериладиган ваъда, мўминона аҳд ҳам бор.

Оилавий ажримлар масаласи бугун ё кеччанинг муаммоси эмас. Бу борада ёзилмаған гап, уни босиб чиқармаган газета, мавзу қамралмаган кўрсатув қолмади хисоб. Мутасаддилардан сўрасангиз, "лойиҳалар амалга оширияпти, яраштириш комиссиялари ишляяпти"дан нарига ўтишмайди. Лекин мурғак қалбинг отасизлик ёки онасизликдан озорланиши замонавий жамиятда одатий ҳолга айланиб бормоқда.

Одамларга "Оилавий ажримларга асо-сий сабаб нима деб ўйлайсиз?" — деган савол билан мурожаат этсангиз, табиийки, қуйидаги жавобларни оласиз: урф-одатлар, қайнонанинг келинга солиқ солиши, куёвнинг эса келин томонидан мулк таъма қилиши, келинларнинг ота ўйига "гап ташиши", телефон ва ижтимоий тармоқлар, ёшларнинг на фикрлаш, на пул топиш борасида мустақил эмаслиги, йигитларнинг ўз сўзи-ни ўтказишига ҳаракат қилиши, қизларнинг эса "хўп"дан йироқлиги, диний билимдан бехабарлик, ўзаро ҳурмат тушунчасининг йўқолиши, бесабрлик, айбини тан олмаслик кабилар. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ажрашиш арафасыда турган, ажрим қайд этилган оилаларнинг муаммолари бир-бирига ўхшамайди. Аммо ҳар бири ўз ечимиға эга. Ажримга қадар оилани сақлаб қолишнинг имконияти анча юқори бўлган қайнона ва қайнота билан келин ўртасидаги оддий зиддиятлар.

Ислом дини ақидасига кўра, ота-онанинг хизматини адо этиш фарзандлар бўйнидаги қарзидир, келиннинг эмас. Падар ва волида ўрнида кўрилган қайнона-қайноталар ке-линнинг хизматларини эҳсон, деб қабул қи-лишлари, келин эса уларга хизмат қилишни шараф, деб билиши керак. Бу муносабатлар замирида келинга уй хизматчиси сифати-да қараш адолатдан эмас. Шу билан бирга, куёвнинг келин қалбида ўзининг қариндош-ларига нисбатан юксак ҳурматни шакллан-тира олиши ва унинг қизлиқдаги тарбияси асосий аҳамиятга эга.



Оилавий можароларнинг олдини олиш давлат сиёсати даражасига кўтарилиган бўлиб, давлат ва нодавлат ташкилотларининг ҳам бу борадаги масъуллиги оширилган. Мисол учун, оилаларни мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Олий суд ўртасида меморандум имзоланган. Унга кўра, республикамизнинг барча худудларида ажралиш ёқасига келиб қолган оилалар билан якка тартибда ишлаш йўлга қўйилди. Бундан кўзланган асосий мақсад — жиддий ўйламасдан ажрашишга қарор қилган оилалар билан профилактика ўтказиш ва уларнинг фарзандлари манфаатларини ҳимоя қилишдир. Бунинг самараси ўлароқ, жориий йил давомида ажрашиш учун ариза топширган 97 та оила жамоатчилик вакиллари томонидан яратирилди.

Бир мисол келтирсан: Каттақўрон туманида Халқ қабулхонаси ва туманларапо фуқаролик суди, “Нуроний” жамғармаси, туман бош имоми, туман Оила илмий-амалий маркази ҳамкорлигига тузилган жамоатчилик комиссияси аъзолари Собировлар (фамилия ўзгартирилган) оиласига бордилар. Оила, минг афсуски, барбод бўлиш арафасида. Қудалар қарши қуда бўлишган. Демак, иккинчи оила ҳам барбод бўлиши мумкин.

Оилада барча нарса етарли. Фақат озгина меҳр-муҳаббат кўтарилиган холос,

арзимаган “деди-деди”лар эр-хотинни бироз чарчатган. Фарзандлари жуда ҳам билимли ва мактабда яхши баҳоларга ўқишиди. Ҳар хил тўғарак ва мусобақаларда иштирок этиб, муносиб ўринларни олишган.

Комиссия аъзолари оилани яратириш мақсадида бор тажрибаларини ишга солдилар. Уламолар, уларнинг фарзандлари тирик етим бўлмаслиги учун динимиз нуқтаи назаридан келиб чиқиб, насиҳатлар қилдилар. Жамоатчилик кўзланган мақсадга эришди. Эр-хотин бир-бири билан ярашди, аҳил яшай бошлади. Қарши қудалар ҳам ўз оиласи билан биргаликда бахтли ҳаёт кечирмоқда.

Ушбу яратириув ҳолати Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизими ни тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонида белгилаб берилган вазифалар йўналишига жуда мос. Демак, муҳтарам Юртбошимизнинг “Оилага эътибор – ўзлигимизга эътибордир”, деган пурмаъно сўзларини шиор қилиб, оилавий ажримларнинг олдини олиш бош мақсадимиз бўлиб қолаверади. Шундай экан, кун сайн кўпайиб бораётган ажримларнинг олдини олиш учун жамоатчилик бефарқ бўлмаслиги керак.

“Бир болага етти маҳалла ота-она” деганларидай, ҳар бир ёш оила катталарнинг назоратида бўлмоғи мақсадга мувофиқдир. Зоро она Ватанимизнинг мустаҳкам оилалар асосига қурилган. Илло, ўзбекнинг куч-қудрати, яратувчанилиги ҳам оиладан бошланади.

T/р	Туман номи	Жами никоҳ бекор қилинган ишлар сони	
		2018 йил давомида	2017 йил давомида
1	Каттақўрон тумани	184	192
2	Каттақўрон шаҳри	140	111
3	Нарпай тумани	111	110
4	Пахтачи тумани	96	96
5	Бошқа туманлар	34	37
6	Ж А М И	580	546

ХОРУН АР-РАШИД ВА БАХДУЛ

Халифа Хорун ар-Рашиднинг барча буйруқ ва фармонлари доим бајко келтирилар, нима иродада қилса, ўша заҳоти муҳайё этиларди. Бу ҳолатда унинг зулмга кириб қолиши эҳтимоли бўлгани учун ўз атрофига ўзини тергаб турувчилар, тўғриликни кўрсатувчи уламоларни жамлаган эди. Баҳдул унинг энг яқин дўстларидан ва доим ҳолидан хабар олиб турадиган кишиларидан бири бўлиб, Хорун ар-Рашидни тез-тез огоҳлантириб, тергаб турар, салоҳият ва имконидан келиб чиққан ҳолда зулм йўлига кириб қолишидан сақларди.

... Кунларнинг бирида Баҳдул кийимлари чангга ботган бир аҳволда саройнинг боғида халифа га дуч келиб қолди. Халифа ундан сўради:

- Эй Баҳдул, қаердан келяпсан?
- Баҳдул жавоб берди:
- Жаҳаннамдан келмоқдаман, сайидим.
- Яхшиликка бўлсин, нима қилдинг у ерда?
- Нима ҳам қилардим, олов керак бўлиб қолди, шунинг учун борган эдим.

– Хўш, келтирдингми?

– Йўқ, келтиролмадим.

– Нега?

– У ерда олов йўқ экан. Жаҳаннамнинг кўриқчиси: “Бу ерда олов бўлмайди, ҳар ким оловини дунёдан ўзи билан олиб келади”, деди.

Ўйга чўмган халифа сўради:

– Эй Баҳдул, мен бу дунёдан кетаётганимда олов олиб кетмаслигим учун нима қилишим керак, қандай тавсия берасан?

Баҳдул:

– Сен катта-катта салоҳиятларга эга кишисан. Эгаллаган лавозиминг гуноҳга, зулмга жуда ҳам яқин. Олов олиб боршига сабаб бўлиши мумкин. Олов олиб кетишни хоҳламасанг, қўйидаги учта тавсияни тингла. Буларга содик бўлсанг, ўзингни кутқаришинг мумкин.

– Нима экан у уч нарса?

– Адолат! Адолат! Адолат!



“ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ”ДА АҚС ЭТГАН БОШҚАРУВ МЕЗОНЛАРИ

Фазлииддин РАВШАНОВ,

Ўзбекистон халқаро

Ислом академияси халқаро
муносабатлар кафедраси
профессори, сиёсий
ғанлар доктори

Таҳририятдан: Маълумки, улуғ Соҳибқирон бобомиз ўз фаолиятида адолатни бош мезон қилиб олган. Барча ишга фозиллар билан кенгашиб, ёндашган. Ул зот инсониятга буюк меҳри боис ҳам улкан салтанат барпо этган. Уибу мақолада турли даражадаги мансабдорларни танлаш, тайинлаш, улар амал қилиши лозим бўлган қоидалар ҳақида гап кетади. Ўйлаймизки, бу ўгитлар суд тизими масъуллари учун ҳам асқотиши шубҳасиз.

Соҳибқирон Амир Темур мўғуллар босқинидан кейин ана шу икки йўналишдаги анъаналар бирлашган минтақа ва замонда ўзига хос давлатчиликка асос солган эди. Амир Темур ва темурийлар даврида давлат ва жамият бошқарувига доир қатор тадқиқотлар амалга оширилган. Лекин ҳозирги кунда Амир Темур томонидан бошқарув учун кадрлар танлашга доир яратилган ва бир тизимга солинган қоидалар ҳамда тамойиллар махсус тадқиқот йўналиши сифатида кам ўрганилган.

Соҳибқирон Амир Темурга мансуб “Темур тузуклари” XIV-XV асрларда 27 та давлатни ўзида бирлаштирган Турон давлатининг бош қомуси сифатида яратилган эди. Мазкур асар ўз даврида мукаммал қонунлар, давлат ва жамиятни ташкил этиш қоидалари, давлат бошқаруви раҳбарларига нисбатан кўйилган талаблар мезонларини ўзида мужассамлаштирган дастуриламал вазифасини ўтаган. Тузуклар ўтган минг йилликда давлат ва жамият бошқаруви ва давлатчилик анъаналари соҳасида тўплланган ҳамда сараланганд тажрибаларни мужассамлаштиришдан ташқари, бу соҳадаги билимлар ва тамойилларни мукаммал равишда ривожлантирган.

Соҳибқирон Амир Темур томонидан тузилган давлат бошқарувининг мукаммаллиги ва унинг адолат тамойилларига амал қилиши, ҳар бир қарор умаролар ва уламолар билан кенгашиш, маслаҳатлашиш, ишнинг фойда-зиёни, оғир-енгиллиги, яхши-ёмонлиги, хатарли-бехатарлиги, фикрлардаги яқдилликнинг таъминланганлиги,

хушёрлик, эҳтиёткорлик каби қатор асослар ва хусусиятларга амал қилган ҳолда қабул қилинганинидан дарак беради. Тузуклар бошқарувга доир минг йиллик назарий қарашларни мужассамлаштириш билан бирга, Амир Темурнинг ўз тажрибалари асосида давлат ва жамият бошқарувига доир мукаммал қоидалар, тамойиллар, тартиблар ва амаллар яратилганидан гувоҳлик беради.

Темур тузукларда амалдорларни танлашнинг асосини белгилар экан, қуидаги мезонларни қайд этади: 1) адолат; 2) тузукларга риоя қилиш; 3) кенгашиш; 4) қарорда қатъийлик, 5) тадбиркорлик, хушёрлик; 6) сабр; 7) шижоат. Соҳибқирон бобомиз бошқарувдаги бу мезонларга барча амалдорлар қатъий амал қилишини талаб этади. Мезонлар нафақат фаолиятдаги амалдор учун, балки уларни танлашда ҳам асосий тамойиллар сифатида қабул қилинган.

Улуғ бобомизнинг фикрича, ҳеч бир амалдор фаолият бошида бу мезонларга тўлиқ жавоб бермайди. Лекин танланётган номзодда уларга нисбатан мос сифатлар бўлиши шарт. Асосий мезонларга амал қилишнинг қай даражадалиги охир оқибатда раҳбарнинг қандай шаклланётганлигини акс эттиради ва унинг бошқарув тизимидағи ўрнини белгилаб беради.

Асосий мезонлар тажриба ва касбий маҳоратга пойдевор вазифасини бажаради. Темурнинг фикрича, бошқарувда зарурият ва мезон доимо айнан мувофиқ келавермайди, балки яқинлашади, холос. Бунда раҳбарнинг ақл-заковати ўз кучини кўрсатиши лозим. Яъни бажариладиган вазифа-

ни қўйилган мезонга мослаштириш керак бўлади, бошқача айтганда, ишлов берилган ёғоч темир тифдан ўткир бўлиши мумкин.

Амалдорлик мезонлари барча даражадаги лавозимлар учун бир хил кучга эга бўлган. Лекин уларга жавоб беришда ҳар ким ҳар хил ёндашади. Соҳибқироннинг фикрича, асосий мезонлардан четлашишнинг олдини олувчи орият (мафкура) тамойиллари бўлиши шарт. У ўз тажрибасида буларни “шиорларим”, деб атаган эди. Тузукларда келтирилишича, Амир Темур ўзининг раҳбарлик тажрибасида қўйидагиларни бош тамойиллар даражасига кўтарган, уларни барча амалдорлар билиши ва амал қилиши шарт қилиб қўйган:

1. Фуқароларнинг бошқарувга ишончини сунистъемол қиласлик, одамларнинг соғлом кайфиятини асраш, уни бузувчи ҳар нарсага барҳам бериш;

2. Турли тоифа ва табақалар, фуқароларнинг табиати ва ахволини пухта билиш, бошқарувда ишни улар иштирокида ташкил этиш, хизматларини рағбатлантириш, уларни муҳофазалаш, улар билан чамбарчас боғлиқ бошқарув тизимиға эга бўлиш;

3. Бошқарувда кенгаш, маслаҳат, тадбиркорлик, фаоллик, ҳушёрлик-эҳтиёткорлик, муросаю-мадора, мурувват ва сабр-тоқат, ҳар ишнинг ўз вақти-соатига эътибор қаратиш, турли истисноларга имкон бериш, ҳам тарафдорлар, ҳам муҳолифат билан умумий тил топа олиш;

4. Қонун-қоидаларни мустаҳкам тутиш, бошқарув обрў-эътиборини ҳар қандай таъсиrlар сиқуви ёки аралашуви оқибатида обрўсизланиб, бетаъсир даражага тушиб қолишига йўл қўймаслик;

5. Бошқарув хизматчиларини мукаммал моддий таъминлаш воситасида юзага кела-диган турли иллатлар ва нохушликларнинг олдини олиш, уларни қўйилган талабларга мувофиқ равиша тарбиялаш ва назорат қилиб бориш, ҳимоялаш ва қатъий интизомни ушлаб туриш, давлат ва раият манфаатларини хусусий манфаатлардан устунлигини таъминлаш;

6. Қонунлар асосида тўғри хукм чиқарилишини қаттиқ назоратга олиш, давлат хисобидан ҳалқ таъминоти ишларига маблағ ажратиш, адолатсизликка қарши энг қатъий чоралар қўллаш, қўшин, раият ва раҳбари-тни ишонч ва кўркув (масъулият назарда тутилмоқда), хурмат ва ҳушёрлик орасида бўлишига эришиш;

7. Илм-фан ва маърифат соҳасида та-нилиб, маълум даражага касб этган кишилар таъминотини яхшилаш, қадрлаш, бошқариш



ишларида улардан доимий равиша фойдаланиш, улар ҳақида маълум иллатлар билан ном чиқарган кимсаларнинг сўзларига қулоқ солмаслик ва жамиятни улардан тозалаб туриш;

8. Лавозим талабларини бажаришга бутун акл-заковат ва вужуд билан интилиш, фойдали ишларни қонуний битириш чораларини топиш, ҳеч бир ишда ғазаб, шошқалоклик қиласлик, тажрибалар ёки янгиликларни хотирада сақлаб, мувофиқларидан ишда фойдаланиш;

9. Раият ахволидан доимий хабардорлик, ург-қабила, туман, вилоят, шаҳар (ва ҳ.к.) урф-одатлари, табиати ва унинг ўзгарувчанлик хусусиятларидан огоҳ бўлиш, уларнинг бошликлари билан тўғри иш олиб бориш, уларга тайинланувчи раҳбарларни (ҳоким, қози, раис ва ҳ.к.) ўша эл билан мослашуви, вазифаларини бажаришини назорат қилиш, ҳар бир элнинг кучлари, аҳолиси кайфияти, турмуш тарзи, хатти-ҳаракатларидан хабар бериб турувчи воқеанавис-хабарчиларга эга бўлиш;

10. Эл эътиборидагиларни (уламолар, шоирлар, касб усталари ва бошқа кўпчиликни эргаштира оладиган иқтидорли шахслар назарда тутилмоқда) рағбатлантириб бориш, уларни бошқарув ва раият ишларига тортиш, уларнинг орасидаги салбий характерлиларини шафқатсиз жазолаш, миллат танламаслик, барча миллатга тенг муносабатда бўлиш;

11. Бурчда собит турган сафдошлар ва кўмакдошларни турли услубларда ҳимоялаш, рағбатлантириш ва ёки уларни жазолашда олдинги хизматларини ҳисобга олиш, беэътибор қолдирмаслик, ҳар қандай вазиятда муросага интилиш;

12. Давлат қарамогидаги кучлар (қўшин, маҳфий хизмат, ҳукмдор қўриқчилари, солиқчилар, жойларда тартибини сақлаш кучлари, хабарчи жосуслар ва б.к.) интизомсизлигига қарши қатъий туриш, улар-

нинг давлат таъминотини мукаммал тутиш, бунинг қатъий тартибини, узлуксизлигини доимий назорат қилиш .

Соҳибқирон Темурга мансуб ўн икки қоида давлат бошқаруви тизимининг барча амалдор ва хизматчиларидан талаб қилинган асосий тамойиллар даражасига кўтарилиди. Ундан ташқари, Амир Темур ўз қўли остидаги раҳбарларни қатор шахсий сифатлар ва хусусиятларга кўра баҳолашни одатга айлантириб, тузукларда келтирилишича, амалдорларни танлашда қўйидаги хусусиятларни текшириб кўришга қатъий равишда амал қилишни қонунлаштирган эди:

адолатлилик; Давлат қонунларини давлат ишлари ва шариат қонунларини мусулмон фуқаролик тартиб-интизоми қонунлари сифатида жорий этиш; билимпарварлик ва бунёдкорлик — ободонлаштириш, фаровонлаштиришга давлатнинг молиявий иштирокини таъминлаш; ўз қўли остидаги раҳбар ва ходимларни билиш, қобилиятига кўра тоифаларга ажратиб олиш, ҳар бир тоифага ўз даражасига мувофиқ иш тақсимлаш, улар имконидан юқори бўлган даражадаги топширикларни беришдан тийилиш.

Тузукларда келтирилишича, бу мезон ва тамойиллар, шунингдек, аҳолининг ўн икки тоифасига мувофиқ муносабат билан фа-

лият юритмаган амалдорлар тезда ишидан четлатилган .

Тузукларда раҳбарликка даъвогар ёки фаолиятдаги амалдор яна қуидаги талабларга ҳам қатъий риоя қилиши шартлиги таъкидланган: раҳбарнинг ўз сўзи бўлиши ва ўз ишига бир ўзи эга бўлиши; раҳбарнинг очик кенгashi бўлиши; бўйруқ, фармойиш, кўрсатма бериш ҳуқуқи шахсан раҳбарга таалуқли бўлиши; раҳбар қарор қабул қилишда қатъиятли бўлиши; ҳукми албатта ижро этилишини таъминлаши; қандай сабаб бўлмасин вазифаларини бирорга топширмаслиги; маслаҳат ва тавсияларнинг сифатини ажратиши, маъқул кўрилганидан ўз ўрнида фойдалана билиши; фаолиятда қўшин ва раият эҳтиёжларига ҳаммадан кўп дикқат қаратиши, бу икки масалада одамларнинг яхши-ёмон фикрларини тез-тез эшлишиб туриши; сиёсати салобатли, сўзи ва ҳукми жиддий бўлмоғи; ҳар хил тазийик, мажбурият ёки мутеълиқда иш юритмаслиги, ўз лавозимида эркин бўлиши; ўз ишига кўнгилли, режалари бундан манфаатли бўлиши, лавозимда ҳеч бир ишда ҳеч кимни ўзига шерик қиласлиги; одамларни молиявий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий жиҳатдан камситмаслиги; ҳеч кимга ўз номидан қарор чиқариш ҳуқуқини бермаслиги; ўз маслаҳатчиларидан ҳамиша огоҳ бўлиши зарур .

Ушбу ўн икки мезон ва тамойиллар Амир Темур давлатида амалдорлик ёки унга танлашнинг асосий ўлчовлари сифатида талқин этилади. Темур ўз ҳәтида кечган воқеаларни баён қилас экан, бу мезон ва талабларни ўз қўли остидаги барча турдаги амалдорлардан талаб қиласлигини қайд этади.

Умуман, тузукларда давлат бошқарув тизимидағи энг кичик мансабдан энг юқори мансабгача бўлган раҳбарларнинг иш юритиш қоидалари ва тартиблари мужассамлаштирилган. Айнан шунинг учун ҳам “тузуклар” - тартиблар деб аталади. Бу тартиб-қоидаларда фуқародан бош вазиргача барчанинг мавқеи талаблари, уларнинг иш тартиби, иш ҳақи, рагбатланиш турлари, топшириқ ва вазифалари тақсимоти, соҳа бўйича талаб қилинадиган шахсий сифат ва хусусиятлари, уларни муҳофазалаш, ҳимоялаш тартиблари, жазолаш турлари, бошқарув иерархиясидан келиб чиқиб юз берадиган ўзаро муносабатлар, бу қоидаларнинг давлат манфаатларига мувофиқлаштирилиши масалалари маҳсус бир тизимга солиниб, қонунлар мақомида ҳамда уларнинг амалий қўлланилиши билан боғлик йўл-йўриқлар шаклида баён қилинади.

*Тенглик ҳукм сурған
жойда сотқинлик, ал-
дамчи эҳтирослар,
зам-гусса бўлмайди.*

**Абу Райҳон
БЕРУНИЙ**

* * *

*Агар кимда-ким барча
қонунларни ўрганишини
хоҳласа, унинг қонунларни
бузишга вакти бўлмайди.*

ГЁТЕ

ЁДИ ҲАМ КҮНГИЛНИ ЁРҮҒ ҚИЛАДИ

Қисқагина умри давомида адолат ва қонунийлик йўлида самарали меҳнат қилган, ҳалол судья сифатида ном қозонган фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туманлараро судининг судьяси Туребеков Тимур Мирзалиевич 2018 йил 23 март куни 40 ёшида вафот этган эди.



Бевақт ўлим ўз умрини адолат ва қонун устуворлиги йўлидаги хизматга бағишилаган ёш ҳуқуқшунос олим ва судья, масъулиятли, ташаббускор ва жонкуяр ходим, самимий дўст, қалби пок ва ҳалол, яхши ИНСОНни орамиздан олиб кетди.

Зиёли ойлада тарбияланган Тимур Туребеков ўз умрини эзгу ишларга, ватан ва ҳалқ хизматига бағишилади. Умрининг охирига қадар ота-онаси, устозларининг ўғитларига, ўз виждан амрига қулоқ солиб яшади, ватанинга, ўз касбига садоқат билан хизмат қилди.

Тимур Туребеков 1978 йил 1 январда Қорақалпоғистон Республикасининг Қораузак туманида туғилди. 1999 йилда Қорақалпок давлат университети ҳуқуқшунослик факультетини тутатиб, Тошкент давлат юридик институтида аспирантурада таҳсил олди. 2013 йилга қадар ўн йилдан ортиқ муддат давомида фидойилик билан ўқитувчилик қилди, талабаларга таълим берди.

Ушбу даврда Тошкент давлат юридик университети Фуқаролик ҳуқуқи кафедрасининг ўқитувчиси, катта ўқитувчиси, доцент вазифасини бажарувчи бўлиб ишлади, ёш ҳуқуқшуносларга соҳа сир-асрорларини ўргатди, устозлик қилди.

Ёш олим ўзининг узоқ йиллик илмий фаолиятида эгаллаган билим ва кўникмаларини, тажрибасини адолат ва қонунийликни таъминлашда қўллаш учун меҳнат фаолиятини амалиётда давом эттириб, 2015 йилдан вафотига қадар фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туманлараро судининг судьяси вазифасида ишлади.

Тимур Туребеков қаерда ва қандай вазифада бўлмасин, ҳар доим ўз зиммасидаги масъулиятга жавобгарлик билан вижданан ёндашди, фидойилик билан хизмат қилди.

Устоз сифатида, таълим бериш жараёнида ҳар бир ўтиладиган дарсга бу ватаннинг, ёш авлоднинг келажаги масаласи, деган туйғу билан қаради. Судьялик фаолиятида ҳар бир қабул қиласиган қарорига инсон ва ҳалқ тақдирли, одиллик ва қонунийлик йўлида инсонлар ишончини шакллантириш борасидаги муҳим жараён сифатида ёндашди, ўз қасамёдига содик қолди.

Шахс сифатида, дўст сифатида, фарзанд ва ота сифатида Тимур Туребеков ўз хулқи билан барчага ўрнак эди, барчага бирдек меҳрибон, самимий, дилкаш ва очиқүнгил, хушмуомала, ташкилотчи ва ташаббускор, эслаганда фақат ижобий фазилатлари билан хотирланадиган Инсон эди.

Ҳак ишни ҳалқ қўллар, ҳақиқатнинг юзи – ёруғ, кўли узун бўлади, дейишади. Тимур Туребековнинг қисқа, лекин мазмунли ва самарали меҳнатга бой умридаги хайрли ишларини ҳар доим шогирдлари, дўстлари, ҳамкаслари, устозлари ва раҳбарлари қўллаб келди.

Мархум ёш олимнинг, адолатли судьянинг ҳалқ олдида, унга тарбия берган, ишонган инсонлар олдида номи пок, хотираси муқаддас.

Тимур Туребековнинг ёрқин хотираси унинг шогирдлари, ҳамкаслари, дўстлари ва яқинлари, адолатли судьяни яқиндан билган барча инсонларнинг қалбida абадий қолади.

Шерзод РАЖАБОВ,
Фуқаролик ишлари бўйича
Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек
туманлараро суди раиси



Х-М. ИСАКОВ,
директор Высшей
школы судей,
кандидат юриди-
ческих наук


РОЛЬ ИНСТИТУТА СУДЕБНОГО КОНТРОЛЯ В ОБЕСПЛЕЧЕНИИ ЗАКОННОСТИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ОРГАНОВ ДОЗНАНИЯ И ПРЕДВАРИТЕЛЬНОГО СЛЕДСТВИЯ на примере опыта некоторых зарубежных государств


В соответствии с положениями ст. 35 Конституции Республики Узбекистан каждый имеет право как отдельно, так и сообща с другими лицами, обращаться с заявлениями, предложениями и жалобами в компетентные государственные органы, учреждения или к народным представителям. Заявления, предложения и жалобы должны быть рассмотрены в порядке и в сроки, установленные законом.

Конкретизируя данные общие положения, в ст. 44 Конституции Республики Узбекистан установлены гарантии судебной защиты прав и свобод каждого лица, а также право обжалования в суд незаконных действий государственных органов, должностных лиц, общественных объединений.

Бесспорно, что нормы Конституции имеют силу прямого действия, то есть, согласно вышеприведённым положениям, любое заинтересованное лицо имеет конституционное право обжаловать действия дознавателя, следователя и прокурора в судебном порядке. Это право вытекает также из закрепленного в статьях 26 и 27 Конституции Республики Узбекистан принципа презумпции невиновности и защиты чести и достоинства личности, предполагающего, в частности, обязанность государства обеспечивать каждому возможность отстаивать свои права в споре с любыми органами и должностными лицами, в том числе осуществляющими дознание и предварительное расследование по уголовным делам.

С этой позиции право на обжалование процессуальных действий, затрагивающих законные интересы лиц, участвующих в уголовном судопроизводстве, или иных лиц, в той части, в которой проводимые процессуальные действия затрагивают их интересы, — это одна из форм конституционной защиты законных прав участников уголовного судопроизводства. Вместе с тем, указанная конституционная норма не нашла своего развития в уголовно-процессуальном законодательстве Узбекистана. Хотя статья 27 УПК Республики Узбекистан предусматривает, что участники процесса и другие лица, а также представители предприятий, учреждений и организаций, заинтересованных в производстве по уголовному делу, вправе в порядке и в сроки, установленные данным Кодексом, обжаловать процессуальное действие или решение дознавателя, следователя, прокурора, судьи и суда, в нем не содержится конкретных норм относительно обжалования следственных действий и решений в судебном порядке. Отсутствие же у заинтересованного лица, а также его представителя реального процессуального права по обжалованию каких-либо действий (бездействия) и решений дознавателя, следователя и прокурора в судебном порядке не в полной мере соответствует принципу состязательности и равноправия сторон в судопроизводстве. Более того, обжалование действий (бездействия) и решений дознавателя, следователя и прокурора в судебном порядке имеет цель не только





обеспечивать права и законные интересы физических и юридических лиц, но и способствовать обнаружению и устраниению нарушений и ошибок, допущенных в процессе уголовного судопроизводства.

В этой связи определенный интерес представляет опыт зарубежных государств по данному вопросу.

Так, в настоящее время уголовно-процессуальным кодексом Российской Федерации предусмотрено два способа обжалования действий сотрудников следственных органов. Первый способ — внесудебный. Это обжалование действий (бездействия) вышестоящему руководству, а именно руководителю следственного органа и прокурору. Второй способ — обжалование в судебном порядке.

В соответствии с положениями ст. 19 УПК РФ действия (бездействие) и решения суда, прокурора, следователя, органа дознания и дознавателя могут быть обжалованы в порядке, установленном УПК РФ. Неправомерные действия сотрудников прокуратуры могут быть обжалованы лишь в судебном порядке. Статья 123 УПК РФ в качестве субъектов обжалования называет участников уголовного судопроизводства, а также иных лиц, чьи интересы были затронуты производимыми процессуальными действиями и принимаемыми процессуальными решениями. Таким образом, подать соответствующую жалобу может, по сути, любое лицо, если оно сочтет, что его права были реально нарушены при указанных обстоятельствах.

Процессуальные действия и решения взаимосвязаны, четкого их разграничения на действия и решения уголовно-процессуальным законодательством не предусмотрены, в связи с чем могут быть обжалованы все действия следователя, оформляемые процессуально, а также любое постановление следователя (дознавателя), руководителя следственного органа, прокурора.

К действиям (бездействию), которые могут быть обжалованы в порядке ст. 124 УПК РФ, необходимо относить следующие процессуальные действия: в рамках материала процессуальной проверки — осмотр места происшествия, получение объяснений, назначение исследований, проведение ревизий, документальных проверок и др.; в рамках расследования уголовного дела — допрос, предъявление обвинения, обыск, выемка, привод, избрание меры пресечения, наложение ареста на имущество, признание лица потерпевшим и др.

Судебное заседание проводится открыто, в нем в обязательном порядке должны участвовать прокурор, а также должностное лицо, действия (бездействие) которого обжалуется. Непосредственно в судебном заседании каждой из сторон предоставляется возможность высказаться относительно содержащихся в жалобе доводов, при этом каждая из сторон может представить доказательства своей позиции.

Согласно законодательству Украины, на этапе досудебного расследования может быть оспорен целый ряд действий, решений и бездействия следователя и прокурора. Данный вопрос регулируется главой 26 Уголовно-процессуального кодекса Украины (далее УПК Украины), а также письмом Высшего специализированного суда Украины по рассмотрению гражданских и уголовных дел № 1640/0/4-12 от 09.11.2012 года.

Исчерпывающий перечень решений, действий и бездействия следователя и прокурора, которые могут быть обжалованы в суде на стадии досудебного расследования, указан в ч. 1 ст. 303 УПК Украины. Они не могут быть предметом обжалования при проведении судом подготовительного



производства. Во время проведения подготовительного производства могут быть обжалованы только те решения, действия и бездействие, которые не указаны в ч. 1 ст. 303 УПК Украины. Исключениями из последнего правила являются: решение об отказе в признании потерпевшим; решения, действия и бездействие при применении мер безопасности, поскольку жалобы на них могут подаваться как на стадии досудебного расследования, так и на стадии подготовительного судебного заседания.

Что касается бездействия, то предметом судебного обжалования может быть поведение следователя или прокурора, выражющееся в невнесении данных об уголовном правонарушении в Единый реестр досудебных расследований в течение 24 часов после получения сообщения или заявления о совершении уголовного преступления. При этом необходимо учитывать, что в соответствии с приказом Генерального прокурора Украины № 69 от 17.08.2012 года такое заявление или сообщение считается поданным с момента предупреждения заявителя об уголовной ответственности. Исключением из этого правила являются случаи, когда заявление или сообщение поступило по почте, другим средством связи или когда заявитель находится в бессознательном состоянии, в командировке и т. д.

На стадии предварительного расследования могут быть обжалованы следующие решения следователя и прокурора: о приостановлении досудебного расследования; о закрытии уголовного производства; об отказе в признании потерпевшим; об изменении порядка досудебного расследования

и его продолжении; об отказе в удовлетворении ходатайства о проведении следственных (розыскных) действий или негласных следственных (розыскных) действий; при применении мер безопасности.

Заинтересованное лицо имеет право обратиться в суд с жалобой на решения, действия или бездействие прокурора в течение 10 дней. Течение срока начинается после принятия решения, совершения действия или с даты, следующей за последним днем, который был отведен процессуальным законодательством для совершения определенного действия. При этом, если решение было оформлено в виде постановления, то течение срока начинается после получения заинтересованным лицом копии соответствующего документа.

Если отсутствуют основания для отказа в открытии производства или возвращении жалобы, суд обязан вынести решение о назначении жалобы к рассмотрению и рассмотреть ее не позднее 72 часов. Исключением из этого правила являются лишь жалобы на решение о закрытии уголовного производства. Их рассмотрение осуществляется судом в течение пяти дней. Необходимо также учитывать, что подача жалобы не приостанавливает исполнение обжалуемого действия или решения.

Закон предусматривает случаи, когда следователь или прокурор до вынесения судом решения по существу жалобы могут самостоятельно устраниТЬ допущенные нарушения. К таким случаям относятся: самостоятельное устранение нарушений по невнесению сведений об уголовном правонарушении в ЕРДР, невозвращение временно изъятого имущества, несовершение в определенные законом сроки процессуальных действий, приостановление предварительного расследования, отказ в признании потерпевшим, применение мер безопасности. В случае закрытия производства устранение такого нарушения может быть осуществлено прокурором, поскольку он наделен правом отменять такие решения следователя. В случае самостоятельного устранения следователем или прокурором допущенных нарушений следственный судья выносит определение о прекращении производства.

Рассмотрение судом жалобы должно происходить при обязательном участии заявителя, то есть в данном случае защитника. Одновременно следует отметить, что отсутствие лица, поведение которого обжалуется, не может быть основанием для отложе-





ния или переноса рассмотрения жалобы. В случае признания поведения следователя или прокурора незаконным судья удаляется в совещательную комнату и в отдельном процессуальном документе излагает свое решение: об отмене принятых следователем или прокурором решений; об их обязательствах прекратить определенное действие; об их обязательствах совершить определенное действие.

В соответствии со ст. 109 УПК Республики Казахстан лицо, чьи личные права и свободы непосредственно затрагиваются действием (бездействием) и решением органов следствия и дознания, вправе обратиться с жалобой в суд на отказ в приеме заявления о преступлении, а также на нарушение закона при отказе в возбуждении уголовного дела, возбуждении, приостановлении и прекращении уголовного дела, принудительном помещении в медицинскую организацию для производства судебно-медицинской экспертизы, производстве обыска и (или) выемки, наложении ареста на имущество, применении залога, совершении иных действий (бездействия) и принятии решений, если отложение проверки законности таких действий (бездействия) и решений до стадии судебного разбирательства делает восстановление ущемленных прав и свобод человека и гражданина затруднительным или невозможным. Таким образом, в суде могут быть обжалованы любые действия и решения органа уголовного преследования.

На основании изложенного следует отметить, что судебный порядок обжалования действий (бездействия) и решений органов следствия и дознания является очень эффективным. Осуществляя правосудие — государственную деятельность, направленную на рассмотрение и разрешение правовых конфликтов, — суд является основ-

ным гарантом правопорядка и законности, защиты прав, свобод и законных интересов человека.

Вряд ли в структуре правоохранительных органов найдется сотрудник (следователь, дознаватель), который за свой служебный путь не совершил бы ни одной процессуальной ошибки при расследовании уголовного дела. К сожалению, нередки случаи, когда иные «ошибки» допускаются отнюдь не случайно.

Представляется, что уровень демократизации и гуманизации такой императивной, достаточно жесткой отрасли законодательства, как уголовный процесс, во многом связан с реализацией возможности исправить такие ошибки процессуальным путем. Речь идет о закреплении в процессуальном законодательстве Республики Узбекистан механизма обжалования действий (бездействия) и решений органа либо лица, ведущего предварительное расследование, в судебном порядке. Ибо суд занимает центральное место в системе правоприменительных органов, он не стоит на защите ведомственных интересов. Судебная практика по делам о рассмотрении жалоб имеет целью устранение небрежности, натяжек, фальсификаций, отступлений от закона со стороны органов следствия и дознания.

Исходя из вышеизложенного, представляется целесообразным внесение в Уголовно-процессуальный кодекс Республики Узбекистан изменение о предоставлении заинтересованным лицам полномочия по обжалованию действий и решений дознавателя, следователя и прокурора в судебном порядке. Предметом судебного обжалования должно быть не только действие или решение, но и бездействие этих процессуальных лиц.



Бобур Мирзо ИСМОИЛОВ,
Базовый докторант
Академии Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан

АНТИКОРРУПЦИОННАЯ ПОЛИТИКА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН: НЫНЕШНЕЕ СОСТОЯНИЕ И ПЕРСПЕКТИВЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ

Аннотация: Мақолада амалга оширилалётган коррупцияга қарши курашиш ҳамда коррупциянинг олдини олиш ва бартараф этишига қаратилган бошқа ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти очиб берилган.

Таянч иборалар: коррупция, шаффоффлик, одоб-ахлоқ, давлат хизмати, суд тизими, хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, коррупцион хавф-хатарлар, профилактика, коррупцияга қарши курашиши мониторинги, тарғибот, коррупцияга қарши курашиши органлари.

Аннотация: В статье раскрывается суть проводимых антикоррупционных реформ и других реформ, направленных на предупреждение и противодействие коррупции в различных сферах развития государства и общества.

Ключевые слова: коррупция, прозрачность, этика, государственная служба, судебная система, правоохранительные органы, коррупционные риски, профилактика, антикоррупционный мониторинг, пропаганда, антикоррупционные органы.

Abstract: The article reveals the essence of the ongoing anti-corruption reforms and other reforms aimed at preventing and combating corruption in various spheres of state and society.

Keywords: corruption, transparency, ethic, public service, court system, the law enforcement agencies, corruption risks, prevention, anti-corruption monitoring, advocacy, anti-corruption bodies.

Система мер противодействия коррупции, утвержденных надлежащим образом и скоординированных по целям и времени их осуществления, закрепленных за исполнителями, обеспеченных в финансовом, кадровом и пропагандистом планах, именуется государственной политикой.¹

Государственная политика противодействия коррупции, по мнению Н.А. Любкиной, включает систему взаимосвязанных и взаимодополняющих мер, объединённых одной целью, в достижении которой участвуют государственные, общественные, политические, профессиональные, творческие и иные органы и организации.² Н.В. Мамитова определяет антикоррупционную политику как научно обоснованную, последовательную, скоординированную и системную деятельность институтов государства и гражданского общества, связанную с профилактикой и сокращением негативного влияния коррупции, а также с устранением причин и условий, способствующих ее возникновению. Данная деятельность также направлена на развитие антикоррупционного сознания и на укрепление законности.³





Антикоррупционная политика Узбекистана заключается в выражении нетерпимости к коррупции, а именно: в разработке и реализации целей, задач и форм деятельности органов государственной власти, органов исполнительной власти на местах и институтов гражданского общества по предупреждению (профилактике) коррупции, борьбе с нею и минимизации (ликвидации) негативных последствий.

